Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 230 (20. 797) • 1990 йил 9 октябрь, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми

8 октябрь куни Москвада КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очилди. Мамлакатдаги аҳвол ва иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши билан боғлиқ КПССнинг вазифалари тўғрисидаги масала унинг муҳокамасига киритилган.

Пленум ишида КПСС Марказий Назорат комиссиясининг аъзолари қатнашмоқдалар.

Пленум ишида қатнашиш учун ўлка, вилоят ва округ партия комитетларининг биринчи котиблари, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларининг иккинчи котиблари, олимлар, шунингдек, КПССдан партиянинг сайлаб қўйиладиган марказий идоралари таркибига кирмайдиган СССР халқ депутатлари таклиф этилганлар.

(ТАСС).

«Совет Ўзбекистони» йўлланмаси билан

ШЕРОБОД ТАЖРИБАСИ

● ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЯНГИЧА УСУЛ.

● ШЕРОБОДЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ ЖУМҲУРИЯТИМИЗ БУЙЛАБ КЕНГ ЕЙИЛСА АРЗИЙДИ.

● ДЕҲҚОН ЎЗ ҲОСИЛИ САМАРАСИДАН ТЎЛА БАҲРАМАНД БЎЛАДИ.

● ДАЛАЛАРДАГИ ЖАСОРАТ СУНГГИ МИСҚОЛ ҚОЛГУНЧА ДАВОМ ЭТАДИ.

Ўзбекистон жумҳурияти Президенти, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби И. А. Каримов билан суҳбатимиз қисқа бўлди.

— Жумҳуриятимиз Вазирлар Кенгаши терим машинаси билан мавсумда 150 тонна пахта терган механизаторларнинг меҳнатини алоҳида тақдирлашга аҳд қилган эди. Лекин Сурхон воҳасидаги механик-ҳайдовчиларнинг кўпчилиги бугунги кунгача 180—250 тоннагача пахта теришга эришибди. 300 тонна терган механизаторлар ҳам йўқ эмас.

Вилоятнинг Шеробод ноҳиясида қўлланилаётган тажриба ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга лойиқ. Пахтакорлар ўзи етиштирган ҳосил самарасидан баҳраманд бўлмоқдалар. Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш керак.

Сурхон далаларида жасорат давом этмоқда. Ана шу ғайрат-шижоат туфайли Жарқўрғон, Бойсун, Ангор, Олтинсой, Шўрчи ноҳиялари машина терими йиллик режаларини ортиғи билан адо этдилар.

Куни кеча вилоятдан яна бир хушхабар келди: Пахтакорлар машина терими бўйича йиллик режани бажаришди. Пахта тайёрлаш режасини бажариш учун кураш давом этяпти.

(Шерободликлар тажрибаси ҳақидаги мақола тўртинчи саҳифада берилмоқда).

Яқин-яқингача қолоқ ҳисобланиб келинган «Ғулбаҳор» давлат хўжалиги бу йил пахта тайёрлаш режасини Термиз ноҳиясида биринчи бўлиб адо этди. Ҳосилни йиғиб-териб олишда механизатор ва кўпмингкилограммчи теримчиларнинг ҳиссаси ғоят каттадир.

Суратда: (чапдан-ўнгга) механизаторлар Абрай Тўраев, Очил Ҳасанов, бўлим бошлиғи Абдусалом Довонов ва механизатор Суюн Жумаевларни кўриб турибсиз. Хўжалик механизаторларининг ҳар бири шу кунгача 150—200 тоннадан пахта теришга эришдилар.

И. ХЎЖАЕВ суратн (ЎзТАГ).



ПАХТАНОМА

РЕЖА АНИҚ

Тўрткўл районидаги «Ленин йўли» жамоа хўжалигида ҳар йилдагидан мўл ҳосил етиштирилди. Колхоз пахтакорлари мавжуд 1260 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 23,6 центнердан ҳосил кўтаришди. Давлатга 3 минг тоннадан кўпроқ пахта сотилиб, план уддаланди. 2 минг тоннаси «занғори кема»ларда териб олинди. У. Ҳакимниёзов, Б. Омонов, Т. Шеров бошлиқ бригадалар пахтакорлари гектаридан 32—33 центнердан ҳосил кўтариб, пешқадамлик қилишди. Хўжаликдаги 323 ишчи звеноларидан 223 таси режадаги планларини ошириб адо этди.

Бу йилги мавсумда машина теримига алоҳида эътибор берилди. 22 та «занғори кема» юқори унум билан ишлади. Ҳозиргача ҳар бир машинада териб олинган пахта 90 тоннадан ошди. У. Давлетов, С. Бойжуродов, Р. Абдураҳмонов каби механик-ҳайдовчиларнинг ҳозиргача терган пахталари 155—165 тоннадан ошди.

Деҳқонларнинг режаси яна 800 тонна пахта териб, ялпи ҳосилдорликни 3800 тоннага етказиш.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

НАВБАТ—МАЖБУРИЯТГА!

Шовот райони пахтакорлари жумҳуриятда иккинчи бўлиб йиллик режани бажаришди.

Сўз — район партия комитетининг биринчи секретари А. ҚАЛАНДАРОВга:

— Шуни мамнуният билан маълум қиламизки, районимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари 6 октябрь куни йиллик режани бажаришди. **Давлатга 35 минг 600 тоннадан знёд қиймат-баҳо саноат хом ашёси сотилди.** Районимиз тарихида биринчи марта марра ана шундай қисқа муддатда эгалланди: атиги 30 иш кунида зафар қучилди.

Бизнинг шароитимизда мўл ҳосил етиштириш йилдан-йилга қийинлашиб бормоқда, негаки еримиз шўрланмоқда. Оролдан келаётган чанг-тўзон ерларимизнинг унумдорлигини пасайтирмоқда. Сув тақчиллиги яққол сезилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳосил баракасига салбий таъсир этиши турган гап. Лекин деҳқонларимиз омилкорлик билан ишлаб, ҳар қачонгидан мўл ва сифатли ҳосил етиштирдилар: 13 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан пахта йиғиштириб олинди. Ҳосилнинг қарийб ҳаммаси биринчи ва иккинчи навларга қабул қилинди.

Пахта даромад манбаи. Ундан даромад олиш режаси ҳам уддаланди: **Бугунгача мўлжалдаги 31 миллион сўм ўрнига 35 миллион сўм маблағ жамоа ва давлат хўжаликларимизда қолди.**

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра ҳали далаларимизда ҳосил мўл. **Планга қўшимча равишда яна 5 минг тонна пахта сотиш ва хирмонни 40,5 минг тоннадан ошириш имкониятига эгамиз. Ана шунда даромадимиз 38 миллион сўмга етади.**

ДОВОН ОЛДИДАМИЗ

Колхозимиз давлатга беш минг тоннага яқин пахта сотади. Айни кунларда ана шу юксак хирмонни яратиш йўлида барча имкониятлар ишга солинмоқда. Терим суръати кун сайин ошиб бораяпти. Кунлик суръатни 5 фоизга бажараётганимиз туфайли довон кўриниб қолди. Режадаги ҳосилнинг 80 фоизи йиғиштириб олинди.

Бу кўрсаткичга эришишда илғор механизаторларимиз Б. Раҳматов, СССР халқ депутати Ю. Сафаров, Р. Авезов, А. Мирзаев каби механизаторларнинг ҳиссаси катта. Улар кунига 8—10 тоннадан пахта териб, хирмонга баракали улуш қўшмоқдалар.

«Пўлат от» суворийларининг ғайрати, кўпминг килограммчиларимизнинг шижоати туфайли Б. Рамазонов, Р. Норов, Ж. Пиримов, Р. Авезов, И. Раҳматов бошлиқ бригадалар пахта тайёрлаш йиллик планларини сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигидаёқ бажардилар. Улар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтардилар.

М. ҚИЛИЧЕВ, Бухоро районидаги У. Юсупов номли колхоз раиси муовини.

ЗАФАР ҚУЧГАНЛАР

● **Шофиркон районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳар гектар ердан 31,5 центнердан ҳосил кўтариб, йиллик планни уддалашди. Давлатга 3200 тоннадан знёд сифатли хом ашё топширилди. Коллектив ҳосилдорликни 35 центнерга етказиб, давлатга яна 400 тонна пахта сотишга ваъда берди.**

● **Қоракўл районидаги Ленин номли колхозининг Ражаббой Отамуродов бошлиқ бригадаси 128 гектар ерининг ҳар гектаридан 35,1 центнердан ҳосил олиб маррага етди. Қабул пунктларига 450 тонна пахта топширилди. Коллектив яна 90 тонна пахта сотиб, ҳосилдорликни 42 центнерга етказмоқчи.**

● **Жарқўрғон районидаги Норали Боймуродов номли жамоа хўжалиги маррага етди. Мавжуд 1555 гектар майдонининг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Қабул пунктларига 4850 тонна ҳом ашё етказиб берилди. Ўрнибой Ҳайитов, Муҳиддин Йўлдошев, Ҳамид Зияев, Раҳим Холиёров, Чори Мақсадов, Назар Бозоров сингари дала гвардиячилари ўз машиналари бункеридан 140—150 тоннадан пахта тўкиб, кўпчиликка ўрнак бўлишди. Хўжалик деҳқонлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна 600 тонна пахта сотишга ва ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга аҳд қилишди. Хўжаликда бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан ҳам мўл ҳосил олинмоқда.**

● **Эллиққалъа районидаги «ҚҚАССР 50 йиллиги» совхози деҳқонлари йиллик планни бажаришди. Ҳар гектар ердан 14 центнердан ҳосил олинди. Қўрқидаги бу хўжаликда механик-ҳайдовчилардан Маҳмуд Йўлдошев ва Фарҳод Пирназаровлар пешқадамлик қилишди. Улар ўз машиналари билан 160—170 тоннадан пахта териб беришди.**

ОЛИМЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

7 октябрь куни СССР Президенти М. С. Горбачев бозорга ўтиш дастури лойиҳасини тайёрлаш доирасида шу ишда қатнашаётган олимлар ва мутахассислар билан учрашди.

А. Г. Аганбегян, С. А. Ситарян, Г. А. Явлинский, В. С. Павлов, Л. И. Абалкин ўз мулоҳазаларини айтдилар.

Президент СССР Олий Советидан, иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлардан тушган таклифларни, корхоналарнинг раҳбарлари, ишчилар ва деҳқонлар, жамоатчилик намояндалари билан учрашувларнинг натижаларини эътиборга олиб дастур лойиҳасини узил-кесил пухта ишлаб чиқишга оид йўналишларни белгилаб берди.

Шу масалалар юзасидан СССР Олий Советининг комитетлари ва комиссиялари билан, иттифоқдош жумҳуриятларнинг раҳбарлари, касаба уюшма ташкилотларининг ва жамоатчилик ҳаракатларининг вакиллари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш назарда тутилади.

(ТАСС).

ЛОЙИҲА

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН ССЖда МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

I БЎЛИМ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тушунчаси**

Ўзбекистон ССЖда маҳаллий (ҳудудий) ўзини ўзи бошқариш фуқароларнинг ўз ташкилотлари бўлиб, улар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш, маҳаллий аҳамиятга молик барча масалаларни қонунлар ҳамда тегишли моддий ва молиявий база асосида, аҳолининг манфаатларидан ҳамда маъмурий-ҳудудий бирликнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ бевосита ёки ўзларни сайлаб қўйдиган идоралар орқали ҳал қилишда фуқароларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида тузилади.

2-модда. **Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш системаси**

1. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш системаси — халқ депутатлари маҳаллий Советларини, ҳудудий ижтимоий ўзини ўзи бошқариш идораларини (мавзеларнинг кенгашлари ва комитетларини, маҳалла, даҳа, уй комитетларини ва бошқа идораларни), шунингдек бевосита демократиянинг турли шаклларини (маҳаллий референдумларни, фуқароларнинг йиғилишлари, йиғинларини ва бошқаларни) ўз ичига олади.

2. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш Ўзбекистон ССЖ қонунларига мувофиқ белгилаб қўйиладиган ва ўзгартириладиган маъмурий-ҳудудий бирлик доирасида амалга оширилади.

3. Маҳаллий Советлар Ўзбекистон ССЖда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг асосий бўғини бўлиб, тегишли ҳудудда ижтимоий ўзини ўзи бошқариш ҳудудий идораларининг ўзаро келишган ҳолда фаолият кўрсатишини таъминлайди.

4. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва ижтимоий ўзини ўзи бошқариш ҳудудий идоралари ўз ҳуқуқларини ва аҳоли манфаатларини самарали амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳар томонлама ҳал этиш мақсадида уюшма (ассоциация)ларга бирлашишлари мумкин.

3-модда. **Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг асосий қондалари**

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш:

— халқ депутатлари Советларининг, ҳудудий ижтимоий ўзини ўзи бошқариш идораларининг сайлаб қўйилиши, уларнинг халқ назорати остида бўлиши ва унга ҳисоб бериши;

— халқ ўз иродасини халқ депутатлари Советлари, ижтимоий ўзини ўзи бошқариш ҳудудий идоралари ва бевосита демократиянинг турли шакллари орқали ифодалаши;

— қонунийлик;

— вакиллик, ижроия ва суд идораларининг вазифалари фарқлаб қўйилиши;

— мустақиллиги, маҳаллий аҳамиятга молик масаларни ҳал қилиш учун ўз ваколати доирасида уларнинг жавобгарлиги;

— фуқароларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

— коллегиаллик, масалаларни эркин муҳокама қилиш ва ҳал этиш;

— ошкоралик ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш;

— ижтимоий адолат;

— маҳаллий ва давлат манфаатларини қўшиб олиб бориш қондалари асосида амалга оширилади.

4-модда. **Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни амалга ошириш шакллари**

1. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш бевосита ва вакиллик демократияси шаклларида амалга оширилади.

2. Фуқароларнинг ташаббускорлиги; барча муҳим масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда ҳамда қабул қилинган қарорларни амалга оширишда, вакиллик идораларини сайлашда аҳолининг иштироки; ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятини назорат қилиш имконияти бевосита демократиянинг энг муҳим шаклларидир.

Халқ муҳокамаси (референдум) ўтказиш тўғрисидаги қарор халқ депутатлари тегишли Совети томонидан қабул қилинади. Референдумни ўтказиш тартиби Ўзбекистон ССЖ Қонуни билан белгиланади.

3. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг вакиллик демократияси халқ депутатлари Советлари ҳамда ижтимоий ўзини ўзи бошқариш ҳудудий идоралари орқали амалга оширилади.

5-модда. **Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжалик тўғрисидаги қонунлар**

1. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш Ўзбекистон ССЖ Конституцияси, ушбу Қонун ҳамда Ўзбекистон ССЖнинг бошқа қонунлари билан тартибга солинади.

2. Ушбу Қонун алоҳида фаолият кўрсатувчи қўрғонлар (ҳарбий шаҳарчалар, ёпиқ тусдаги қўрғонлар)да ҳам амал қилади.

II БЎЛИМ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ — МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИ

6-модда. **Халқ депутатлари маҳаллий Советлари**

1. Маҳаллий Советлар давлат ҳокимиятининг вакиллик идораси бўлиб, ўзларига қарашли ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга раҳбарлик қиладилар.

2. Маҳаллий Советлар шу ҳудудда яшаётган фуқаролар томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Маҳаллий Советларга халқ депутатлари сайловини ўтказиш тартиби «Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари маҳаллий Советларига халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонунига биноан белгиланади.

3. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг барча поғоналари ҳуқуқий шахс ҳисобланадилар ва улар ушбу Қонун билан ўз ихтиёрига берилган исталган масалаларни мустақил ҳал қилишга ҳақлидирлар.

7-модда. **Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг системаси**

1. Халқ депутатлари қишлоқ (овул), посёлка, ноҳия, шаҳар, шаҳардаги ноҳия ва вилоят Советлари халқ депутатлари маҳаллий Советлари бўлиб, улар давлат ҳокимияти вакиллик идорасининг ягона системасини тузадилар.

2. Ўзбекистон ССЖ маҳаллий Советлари системасининг бирлиги — ҳуқуқий асосларнинг, ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш принципларининг шунингдек улар тегишли ҳудуд аҳолисининг манфаатлари йўлида ҳал қилиши керак бўлган вазифаларнинг умумийлиги билан таъминланади.

3. Ўзбекистон ССЖда маҳаллий Советларнинг учта ҳудудий даражаси белгиланади.

Биринчи ҳудудий даражага қишлоқ (овул), посёлка, ноҳияга бўйсунадиган шаҳарларнинг шаҳар, шаҳарлардаги ноҳия Советлари киради.

Иккинчи ҳудудий даражага ноҳия, шаҳар Советлари киради.

Учинчи ҳудудий даражага вилоят, Тошкент шаҳар Советлари киради.

8-модда. **Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ваколатининг асослари**

1. Турли ҳудудий даражалардаги маҳаллий Советларнинг ваколатлари тегишли маъмурий-ҳудудий бирликнинг табиий, иқтисодий, ижтимоий, миллий хусусиятларини ва уларни ана шу даражада амалга ошириш имкониятини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

2. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари фаолиятининг барча соҳаларида ўзаро муносабатларни Ўзбекистон ССЖ қонунларига мувофиқ равишда ҳуқуқларини, бурчларини ва масъулиятини қатъий фарқлаб қўйиш асосига қурадилар.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН ССЖда МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Улар ўзаро келишувга кўра, маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, шартнома асосида хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилиш соҳасидаги айрим ваколатларни ўзаро тақсимлаб олишлари, ўз ваколатларининг бир қисмини ижтимоий ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий идораларига беришлари мумкин.

3. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари Ўзбекистон ССЖ қонунларига мувофиқ ўз идораларини тузадилар, уларнинг ваколатларини белгилайдилар, уларнинг тузилиши ва штатларини мустақил белгилайдилар.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижро этиш ва бошқарув идоралари уларни тузган Советларгагина бўйсунадилар, ўз фаолиятларида Ўзбекистон ССЖ Конституциясига, ушбу Қонунга, Ўзбекистон ССЖнинг бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари тегишли Советларининг қарорларига амал қиладилар.

4. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари:

— Советнинг коммунал ёки бошқа мулки бўлган ер, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларни мустақил тасарруф этади;

— бюджетларни ва бюджетдан ташқари фондларни мустақил равишда тузади, тасдиқлайди ва ижро этади;

— ўз ҳудудида Қонунда белгиланган тартибда хўжалик юритишга оид рухсатномани рўйхатга олиш, бериш ва шартнома тузиш ҳуқуқига эга;

— Ўзбекистон ССЖ қонунларига мувофиқ хўжалик юритаётган субъектларга ўз ваколати доирасида, мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар, солиқ имтиёзлари бериш ва жазо тарифасида жарима солишни ҳал қилади;

— корхоналар ва ташкилотларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир норматив ҳужжатларни бажариш билан боғлиқ фаолиятини, ер ва табиат ресурсларидан фойдаланишни, соғлиқни сақлаш соҳасида санитария нормалари ва қоидаларига риоя этилишини назорат қилиб боради;

— агар янги ишлаб чиқариш қувватлари қурилиши ва ишлаб турган қувватлар фаолиятининг халқ депутатлари тегишли Совети ваколатларига кирувчи қисми мазкур Совет ёки унинг ваколатли идоралари билан келишилмаган бўлса, мазкур қурилишни ва ишлаб турган қувватларнинг фаолиятини тўхтатиб қўяди;

— ўз ҳудудида меҳнат ресурсларидан фойдаланишни уйғунлаштиради ва бошқариб туради, фуқароларнинг иш билан банд бўлишини, аҳолининг кам таъминланган қатлами ижтимоий жиҳатдан ҳимояланишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

— фуқароларнинг Ўзбекистон ССЖ Конституциясида, бошқа қонун ҳужжатларида эълон қилинган ва таърифланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишларини таъминлайди; фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини чекланаётганлигига оид аризаларини Қонунда белгиланган тартибда қараб чиқади; фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан жамият ва давлат манфаатларига, шунингдек бошқа фуқароларнинг ҳуқуқларига зид равишда фойдаланишларига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради;

— ўз ҳудудида қонунларга ва жамоат тартибига риоя қилинишини таъминлайди.

5. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ушбу Қонун ва Ўзбекистон ССЖ қонунларига мувофиқ келадиган бошқа ҳуқуқлар ва вазифаларни амалга оширишлари мумкин.

9-модда. **Биринчи ҳудудий даражадаги халқ депутатлари маҳаллий Советларининг асосий ваколатлари**

Биринчи ҳудудий даражадаги маҳаллий Советларнинг асосий ваколатларига қуйидагилар киради:

— ўз аҳолисини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш программаси ва тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— аҳолига хўжалик, маиший, ижтимоий-маданий хизмат кўрсатилишини бевосита ташкил этиш;

— барча турдаги маҳаллий коммуникацияларни, кўча, йўл, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат муассасаларини сақлаб туришни бевосита ташкил этиш;

— барча турдаги табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш устидан назорат ўрнатиш;

— ўз ҳудудида қурилиш, архитектура ечимлари бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этиш, исталган объектлар қурилишининг белгиланган меъёрига риоя этилишини назорат қилиш.

10-модда. **Иккинчи ҳудудий даражадаги халқ депутатлари маҳаллий Советларининг асосий ваколатлари**

Иккинчи ҳудудий даражадаги маҳаллий Советларнинг асосий ваколатларига қуйидагилар киради:

— ижтимоий, иқтисодий, маданий ривожланишнинг тегишли ҳудудий ва ҳудудлараро (шаҳар ва шаҳарлараро, ноҳия ва ноҳияларарo) программасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— биринчи ҳудудий даражадаги Советларнинг бюджетларини мутаносиблаш ва минимал бюджет билан таъминланишига молиявий жиҳатдан кўмаклашиш;

— аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш тадбирларини ташкил этиш;

— биринчи ҳудудий даражадаги Советлар билан тузилган шартномаларга кўра аҳолига хўжалик, ижтимоий-маданий, маиший ва ҳуқуқий хизмат кўрсатиш;

— ижтимоий ўзини ўзи бошқариш ҳудудий идораларига методик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш;

— халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот муассасалари сақланишини назорат қилиш;

— барча турдаги маҳаллий коммуникациялар, кўча ва йўлларни саранжом ҳолатда сақлаш юзасидан тадбирлар ҳамда программани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

11-модда. **Учинчи ҳудудий даражадаги халқ депутатлари маҳаллий Советларининг асосий ваколатлари**

Учинчи ҳудудий даражадаги маҳаллий Советларнинг асосий ваколатларига қуйидагилар киради:

— ноҳиялар ва шаҳарларга шартнома асосларида хўжалик ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатилишини уюштириш;

— ҳудудлараро тадбирларни ўтказиш;

— иккинчи ҳудудий даражадаги Советларнинг маҳаллий бюджетлари мутаносиб бўлишига молиявий жиҳатдан кўмаклашиш;

— регионал, миллий-маданий ривожлантириш программаларини, нуфус сиёсатини ишлаб чиқишда методик ёрдам кўрсатиш;

— маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишда ва жамоат хавфсизлигида қонунийликни таъминлаш.

III БЎЛИМ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ИШ УСЛУБЛАРИ

12-модда. **Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ишини ташкил этиш**

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ишини ташкил этиш ва иш тартиби ушбу Қонун ва Ўзбекистон ССЖнинг бошқа Қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган қоидалар асосида тегишли Советлар томонидан мустақил белгиланади ва Советларнинг иш тартибларида мустаҳкамлаб қўйилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари Советнинг раисини ва Совет раисининг ўринбосарини сайлайди.

Халқ депутатлари вилоят, ноҳия, шаҳар (ноҳияга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари), шаҳардаги ноҳия Советларида Советларнинг раёсатлари тузилади.

Маҳаллий Советлар ташкилий ишларини таъминлаш учун маҳаллий Советнинг аппарати тузилади. Аппаратнинг тузилиши ва штатларини Совет белгилаб беради.

13-модда. **Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг сессиялари**

1. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ишининг асосий шакли — Советнинг сессиясидир.

Халқ депутатлари вилоят, ноҳия, шаҳар (ноҳияга бўйсунувчи шаҳардан ташқари), шаҳардаги ноҳия Советининг сессиялари тегишли Совет Раёсати томонидан, қишлоқ, посёлка, шаҳар (ноҳияга бўйсунувчи шаҳар) Советининг сессиялари Советнинг раиси томонидан заруратга қараб, лекин йилига камида тўрт марта чақирилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг сессиялари тегишли Совет депутатларининг камида учдан бир қисми киритган таклифга мувофиқ чақирилиши мумкин.

Янги сайланган Советнинг биринчи сессиясини аввалги чақириқ Советнинг раёсати (раиси) чақиради. Вилоят Советининг биринчи сессияси маҳаллий Советларга депутатлар сайловидан сўнг кечи билан уч ҳафта ўтгач, бошқа Советларнинг биринчи сессиялари эса сайловдан сўнг кечи билан икки ҳафта ўтгач чақирилади.

Биринчи сессияни тегишли Советга сайлов ўтказувчи сайлов комиссиясининг раиси очади ва Совет раиси сайлангунга қадар мажлисни бошқариб боради.

Янги ташкил этилган вилоятдаги Советнинг биринчи сессияси Ўзбекистон ССЖ Олий Совети томонидан вилоят Советига сайлов бўлиб ўтган кундан бошлаб узоғи билан уч ҳафта муддатда, ноҳия, шаҳар, посёлка, қишлоқ (овул) Советларининг сессиялари эса юқори Советлар ёки уларнинг раёсатлари томонидан тегишли Советларга сайлов ўтказилган кундан бошлаб узоғи билан икки ҳафтада чақирилади.

Сессия ишида тегишли Совет депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, сессия ҳақиқий ҳисобланади.

Советнинг қарори, қонун ёки Советнинг иш тартибида ўзгача тартиб кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, Совет депутатлари умумий сони кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Маҳаллий Советнинг навбатдан ташқари сессиялари Совет раёсати (раиси) ташаббуси билан, доимий комиссияларнинг таклифига кўра, шунингдек Совет депутатларининг камида учдан бир қисмининг талабига мувофиқ чақирилади.

Сессияни чақириш вақти ва жойи, шунингдек Совет муҳокамасига киритиладиган масалалар тўғрисида:

— вилоят Советининг раёсати сессиядан камида икки ҳафта (навбатдан ташқари сессия бир ҳафта) олдин депутатларга маълум қилади ва аҳолининг эътиборига етказади;

— шаҳар, ноҳия, шаҳардаги ноҳия Советининг раёсати сессиядан камида ўн кун (навбатдан ташқари сессия — 5 кун олдин) олдин;

— қишлоқ (овул), посёлка, ноҳияга бўйсунувчи шаҳар Советининг раиси сессияга камида беш кун олдин (навбатдан ташқари сессия — 3 кун олдин) депутатларга ва аҳолига маълум қилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари сессиялари муҳокамасига масалалар тегишли Совет раёсати (раиси), унинг ижроия комитети, доимий комиссиялари ва депутатлар гуруҳлари томонидан тегишли Совет иш тартибида белгиланган миқдорда киритилади. Тегишли ҳудуддаги жамоат ташкилотлари Совет сессиясида қараб чиқиш учун масалалар таклиф этишлари мумкин.

Маҳаллий Советларнинг сессиялари ошкора ўтказилади, уларда меҳнат жамоаларининг, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва фуқаролар қатнашиши мумкин.

2. Ўзбекистон ССЖ давлат байроғи тўғрисидаги Низомга мувофиқ халқ депутатлари Совети сессияси ўтказиладиган бино устига бутун сессия даврида, маҳаллий Совет ва унинг ижроия комитети биноси устида эса мунтазам равишда Ўзбекистон ССЖ давлат байроғи кўтарилади.

14-модда. **Халқ депутатлари Советларининг мутлоқ ваколати**

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари Ўзбекистон ССЖ қонунлари билан ўз ихтиёрига берилган ҳар қандай масалани кўриб чиқиш ва ҳал этишга ҳақлидир.

Қуйидаги масалалар фақат сессияларда ҳал қилинади:

1) депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий ёки ҳақиқий эмас, деб ҳисоблаш, қонунда белгилаб қўйилган ҳолларда уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш;

2) Совет раиси ва унинг ўринбосарини сайлаш ва вазифасидан бўшатиш;

3) доимий ва бошқа депутатлик комиссияларини тузиш, сайлаш ва таркибини ўзгартириш, уларнинг раисларини тасдиқлаш;

4) Совет раёсатини тасдиқлаш ва унинг таркибини ўзгартириш;

5) ижроия комитети раисини сайлаш ва вазифасидан бўшатиш, унинг тақдимига мувофиқ ижроия комитети таркибини тасдиқлаш ва ўзгартириш;

6) халқ назорати комитетлари (гуруҳлари)ни тузиш ва сайлаш, уларнинг таркибини ўзгартириш, раисни сайлаш ҳамда вазифасидан бўшатиш;

7) Советга бўйсунадиган бошқарув идораларини тузиш ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

8) ижро-идора қилиш ва бошқа ўзига бўйсунувчи идоралар структураси ва штатларини белгилаш;

9) ижроия комитети ҳузуридаги комиссияларни тузиш;

10) сайловчилар наказларини бажаришга оид тадбирлар режасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

11) Совет раиси, Совет раёсати, унинг ижроия комитети, Совет тузадиган бошқа идоларларнинг, Совет депутатларининг ҳисоботини муҳокама қилиш;

12) депутатлар сўровларини кўриб чиқиш ва сўровлар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

13) Советлар иш тартибини тасдиқлаш;

14) ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг планлари (программалари)ни, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш программаларини тасдиқлаш;

15) бюджетни ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш, қўшимча бюджет маблағларини тақсимлаш, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги сметалар ва ҳисоботларни тасдиқлаш;

16) Советлар мол-мулкини тасарруф этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш;

17) солиқлар, божлар ва ажратмаларни ундиришда имтиёз бериш учун устунлик ва мезонларни аниқлаш;

18) маҳаллий йиғим миқдорини белгилаш, маҳаллий ихтиёрий заёмларни эълон қилиш;

19) маъмурий-ҳудудий тузилиш тўғрисида;

20) Совет раисининг фармойишларини, раёсат ва ижроком қарорларини, ижроком раисининг фармойишларини бекор қилиш;

21) маҳаллий референдумлар ўтказиш тўғрисида;

22) халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Советларида ноҳия (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари ва тегишли вилоят, Тошкент шаҳар судларининг халқ маслаҳатчилари сайланади.

15-модда. **Советнинг раиси**

Советнинг раиси Советнинг сессиясида яшириш овоз бериш йўли билан Советнинг ваколати муддатига сайланади. Бир киши Советнинг раиси лавозимига сурункасига икки муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Совет раиси Советнинг қарорига биноан ўз аризасига кўра ёки Совет депутатлари камида учдан бир қисмининг талабига биноан вазифасидан муддатидан олдин бўшатилиши мумкин.

Совет раиси:

— Советнинг ишини ташкил этади, Совет мажлисларида раислик қилади. Советнинг қарорлари, мажлис баёнлари ва бошқа ҳужжатларга имзо чекади;

— Совет раёсати ва аппарати фаолиятига раҳбарлик қилади;

— давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоаларига ва фуқаролар билан муносабатларда Совет номидан иш юритади;

— Советга Совет раисининг ўринбосари, ижроком раиси, халқ назорати комитети (гуруҳи) раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;

— Совет раиси ўз ваколати доирасидаги масалалар юзасидан фармойиш қабул қилади;

— қишлоқ (овул), посёлка, ноҳияга бўйсунувчи шаҳарнинг шаҳар Совети сессиялар оралиғидаги даврда иш тартибига мувофиқ Совет ишини ташкил этади.

Совет раисининг ўринбосари:

— Совет сессиясида Совет раисининг таклифига кўра Советнинг ваколат муддатига сайланади ва у Совет қарорига биноан эгаллаб турган лавозимидан муддатидан илгари бўшатилиши мумкин;

— раис берган ваколатга мувофиқ унинг айрим вазифаларини бажаради, раис ҳозир бўлмаган ҳолларда ёки ўз вазифасини бажариш имконияти бўлмаган тақдирда унинг ўрнини босади.

16-модда. **Совети раёсати**

1. Халқ депутатлари вилоят, ноҳия, шаҳар (ноҳияга бўйсунувчи шаҳардан ташқари), шаҳарлардаги ноҳия Советларининг ишини таъминлаш учун сессиялар оралиғидаги даврда Советнинг ваколат муддатига халқ депутатлари тегишли Советининг раёсати тузилади.

2. Совет раёсати тегишли Советга бўйсунади. Совет раёсати таркибига лавозимига кўра: Совет раиси, унинг ўринбосари, Совет доимий комиссияларининг раислари, агар ушбу Совет депутати этиб сайланган бўлса тегишли ижроком раиси киради. Советнинг қарорига мувофиқ раёсат таркибига Советнинг бошқа депутатлари киритилиши мумкин.

3. Халқ депутатлари Совети ваколат муддати тугагач, раёсат янги чақириқ тегишли Советнинг биринчи сессияси очилгунга қадар ўз ваколатларини сақлаб қолади.

4. Халқ депутатлари Советининг раёсати:

— Советнинг сессиясини чақиради, Советнинг сессияси қачон очилиши ва қаерда ўтказилиши, шунингдек Совет муҳокамасига киритиладиган масалалар тўғрисида депутатларга ва аҳолига маълум қилади, сессия қабул қилган қарорларни аҳоли эътиборига етказади;

— Совет сессияларига ва уларнинг муҳокамасига киритиладиган масалаларга тайёргарлик кўришга раҳбарлик қилади;

— Совет ижроия комитетининг, унинг бўлимлари ва бошқармаларининг Совет территориясини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига доир ахборотларини тинглайди;

— Советга бўйсунувчи ҳудудда ишларнинг аҳволи ҳақида Советга маълум қилади;

— Советнинг муҳокамасига Совет доимий комиссияларини тузиш ва уларнинг таркиби тўғрисида таклифлар киритади, доимий комиссиялар ва депутатлар гуруҳларининг фаолиятини уйғунлаштириб боради, уларни Совет сессиясида муҳокама қилинадиган масалаларни тайёрлашга жалб этади, улар киритган таклифларни кўриб чиқади;

— Совет қарорларининг лойиҳаларини, шунингдек Совет сайлаши ёки тасдиқлаши лозим бўлган мансабдор шахслар номзодлари тўғрисидаги таклифларни хулоса беришлари учун тегишли доимий комиссияларга юборади;

— депутатлар ўз ваколатларини амалга оширишларида уларга ёрдам беради ва уларни зарур маълумотлар билан таъминлайди;

— Советда, унинг идораларида ва сайлов округларида ишлаш учун депутатларни хизмат ва ишлаб чиқариш вазифаларидан озод қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади, фуқароларни қабул қилишни, сайловчилар, меҳнат жамоалари ва жамоат ташкилотлари олдида ҳисоб беришни уюштиришда депутатларга кўмаклашади, Советларнинг сессияларида кўриб чиқиш учун депутатларнинг ўз ҳуқуқлари ва бурчларини амалга оширишлари билан боғлиқ масалаларни киритади;

— сайловчилар наказларини умумлаштириб ва уларни ижрокомга жўнатади;

— фуқароларни мукофотлаш масалалари юзасидан таклифларни ва тегишли материалларни тайёрлайди;

— Советнинг жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари кенгашлари ҳамда аҳолининг ижтимоий ташаббускор ташкилотлари билан алоқаларини ташкил этади;

— қуйи бўғин халқ депутатлари Советлари Президиумлари ва Советлари ишини ташкил этишда методик ёрдам беради, уларнинг иш тажрибасини ўрганади, умумлаштиради ва оммалаштиради;

— ошкораликни ривожлантиришга кўмаклашади ва Совет ҳамда унинг идоралари ишида жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш чораларини кўради;

— Советнинг қарорига мувофиқ маҳаллий референдумларни, шунингдек Совет қарорларининг лойиҳаларини, маҳаллий, жумҳурият ва жамоат аҳамиятига молик бошқа муҳим масалаларни фуқаролар муҳокама қилишини ташкил этади, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади;

— фуқароларнинг Советларга юборган ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш ишини ташкил этади;

— Совет сессияси кўриб чиқиши учун ижроия комитети ва халқ назорати комитети (гуруҳи) қарорлари ва ҳаракатлари устидан тушган аризалар ва шикоятлар юзасидан таклифлар киритади;

— маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари юзасидан таклифлар тайёрлайди;

— Совет сессияси кўриб чиқиши учун ижроия комитети ва халқ назорати комитети (гуруҳи) қарорлари ва ҳаракатлари устидан тушган аризалар ва шикоятлар доир таклифларни киритади;

— Советнинг сессиялари ўртасидаги даврда навбатдаги сессияда тасдиқлашга тақдим этиш шарти билан Совет сайлаб қўядиган, тайинлайдиган ва тасдиқлайдиган раҳбар ходимларни;

— Ўзбекистон ССЖ қонунларида кўзда тутилган халқ депутатлари сайловини ташкил этиш ва сайловчиларнинг халқ депутатларини чақириб олиши масалаларини кўриб чиқади ва ҳал қилади;

— Ўзбекистон ССЖ Қонунлари билан ўз ихтиёрига берилган бошқа масалаларни кўриб чиқади ва ҳал қилади.

5. Совет раёсати сессиялар оралиғида фақат сессияларда ҳал қилинадиган масалалардан ташқари мазкур Совет иш тартибида белгиланган доирада Совет ихтиёрига берилган масалаларни ҳал этишга ҳам ваколатлидир.

6. Халқ депутатлари совети раёсатининг мажлислари заруратга қараб Совет раиси томонидан чақирилади ва унда раёсат таркибининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Мажлисда раёсат таркибига кирмаган депутатлар маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашишлари мумкин.

7. Совет раёсатининг ўз ихтиёрига берилган масалаларга доир қарорлари раёсат бутун таркибининг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва Совет раиси унга имзо чекади.

8. Халқ депутатлари Советининг раёсати ҳуқуқий шахс бўлиб, унинг Ўзбекистон ССЖ давлат герби тасвирланган муҳри бўлади.

17-модда. **Советнинг доимий ва бошқа комиссиялари**

1. Советнинг ихтиёридаги масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, шунингдек Советнинг қарорларини амалга оширишда иштирок этиш, Совет ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар Қонунга риоя қилишларини ва Совет қарорларини бажаришларини назорат қилиб бориш учун маҳаллий Советнинг доимий комиссиялари тузилади. Совет муваққат комиссияларни ва бошқа идораларни ҳам тузиши мумкин.

2. Комиссияларнинг рўйхати, миқдор таркибини ва уларни сайлаш тартибини халқ депутатлари Совети белгилайди. Совет ваколат муддати давомида, зарур бўлган тақдирда, янги доимий комиссияларни тузиши, олдин тузилганларини бекор қилиши ва қайта тузиши, доимий комиссиялар таркибига ўзгартишлар киритиши мумкин.

3. Доимий комиссияларнинг ҳамма аъзолари баравар ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Тегишли маҳаллий Советнинг комиссияси таркибига сайланмаган депутат унинг ишида маслаҳат овоз ҳуқуқи билан қатнашишга ҳақлидир.

4. Тегишли Совет раиси ва унинг ўринбосари, шунингдек ижроия комитет раиси маҳаллий Советлар доимий комиссияси таркибига сайланиши мумкин эмас.

5. Доимий комиссиялар комиссия раисининг ўринбосарлари ва комиссиялар котибларини сайлайди. Комиссиялар ўз фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича тайёрлов комиссиялари тузиши мумкин.

Депутат тегишли Советнинг фақат битта доимий комиссияси аъзоси бўлиши мумкин.

6. Тегишли Совет доимий комиссияси Совет Президиумининг таклифига биноан доимий комиссиялар таркибига ўзгартиш киритади. Депутатнинг доимий комиссиялардаги ваколатларини Совет томонидан шу шахснинг илтимосига мувофиқ, шунингдек улар ўз вазифаларини бажаришларига имкон бермайдиган вазият муносабати билан муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

7. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг доимий комиссиялари ихтиёридаги масалалар, уларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари, уларни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тартиби ушбу Қонун билан ва халқ депутатлари тегишли Совети томонидан белгилаб берилади.

8. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг доимий комиссиялари ўз ишига тегишли Советларнинг доимий комиссиялари таркибига кирмаган депутатларини, шунингдек олимларни, мутахассисларни, амалиётчи ходимларни ва бошқа кишиларни жалб этишлари мумкин.

9. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари заруратга қараб ўз ваколатлари доирасига кирувчи ҳар қандай масала юзасидан комиссия тузади. Комиссияларнинг вазифаларини, уларнинг фаолиятини шу комиссияларни тузиш чоғида Совет белгилаб беради.

10. Маҳаллий Советларнинг доимий ва бошқа комиссиялари давлат ва жамоат ташкилотлари, идоралари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларидан зарур ҳужжатларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эгадирлар.

11. Маҳаллий Советлар доимий ва бошқа комиссияларнинг тавсиялари тегишли давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиши шарт. Кўриб чиқиш натижалари ёки кўрилган чоралар ҳақида бир ой муддат ичида комиссияларга хабар қилиниши керак.

18-модда. **Тафтиш комиссияси**

1. Ижроия комитети, унинг органлари ва мансабдор шахсларнинг хўжалик фаолиятини, маҳаллий бюджет ижросини назорат қилиш учун маҳаллий Совет ўз ваколатлари даврига мўлжаллаб Совет депутатлари орасидан камида уч кишидан иборат тафтиш комиссиясини сайлаши мумкин. Тафтиш комиссиясининг раисини Совет сайлайди.

2. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон ССЖ Министрлар Кенгаши ишлаб чиққан низомга амал қилади.

3. Тафтиш комиссияси маҳаллий ўзини ўзи бошқарув идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини ўз ҳоҳишига кўра тафтиш қилади. Тафтиш маҳаллий Советнинг, Совет раисининг, шунингдек депутатлар умумий сонининг камида бешдан бир қисмининг талабига биноан ҳам ўтказилиши лозим.

4. Комиссия маҳаллий Советга тафтиш натижалари ҳақида хабар қилади ва тегишли таклифлар киритади.

19-модда. **Халқ депутатлари маҳаллий Советининг ижроия комитети**

1. Халқ депутатлари маҳаллий Советининг ижроия ва бошқарув идораси унинг ижроия комитети бўлиб, у раис, раис ўринбосари ва ижроком аъзоларидан иборат бўлади.

Ижроия комитет аъзоларининг сонини тегишли Совет белгилаб беради.

Маҳаллий Советнинг ижроия комитети уни сайлаб қўйган Советга бўйсунади ҳамда Совет олдида йилига камида бир марта ҳисоб беради, шунингдек меҳнат жамоаларини ва аҳолини ўз фаолияти тўғрисида хабардор қилиб туради.

2. Ижроия комитети тегишли Совет ҳудудида Ўзбекистон ССЖ қонунлари ва ўзини сайлаб қўйган Совет қарорлари асосида хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишга раҳбарлик қилади.

3. Халқ депутатлари маҳаллий Советининг ижроия комитети:

— иқтисодий, хўжалик ва ижтимоий-маданий тараққиётнинг жорий ва истиқбол комплекс программаларини, шунингдек маҳаллий бюджетни шакллантиришга доир таклифларни ишлаб чиқади ҳамда халқ депутатлари Совети тасдиғига киритади;

— маҳаллий хўжаликни бошқаришнинг бош схемасини ишлаб чиқади;

— Совет қарорларининг бажарилишини ташкил этади;

— корхоналар ва ташкилотлар, колхозлар ва совхозлар маблағларини бирлаштиради, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфраструктура иншоотлари қуриш ҳамда улардан фойдаланишда, ҳудудни обод қилишда уларнинг улуш қўшиб иштирок этишини ташкил этади;

— маҳаллий хўжалик корхоналари билан ижара шартномаларини тузади;

— тегишли ҳудуддаги табиий ресурсларга Советнинг мулкчилик ҳуқуқларини амалга оширади;

— ердан фойдаланиш масалаларини ҳал қилади;

— сайловчиларнинг наказларини, депутатларнинг таклифлари, илтимослари ва танқидий мулоҳазаларини бажаришга доир тадбирлар режасини Совет муҳокамасига тақдим этади, уларнинг бажарилишини ташкил этади ҳамда амалга оширилиши ҳақида депутатлар ва аҳолини хабардор қилиб боради;

— қуйи бўғин Советлар ижроия комитетлари ва ҳудуддаги ижтимоий ўзини ўзи бошқариш идоралари ишини ташкил этишда йўл-йўриқ кўрсатиб ёрдам беради;

— ижроия комитетнинг ички тузилиши ва штатларига доир таклифларни Совет муҳокамасига киритади;

— ўз ихтиёрига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

4. Халқ депутатлари қишлоқ (овул), посёлка Советининг ижроия комитети:

— паспорт системаси қоидаларининг бажарилишини назорат қилади ва белгиланган тартибда фуқароларни турар жой рўйхатига олади ва рўйхатдан чиқаради;

— Ўзбекистон ССЖ қонунларига мувофиқ фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этади;

— васийлар ва мутасаддиларни тайинлайди, улар ўз мажбуриятларини қандай бажараётганини назорат қилади.

— колхоз (деҳқон) хўжаликларининг оилавий-мулкий тақсимотларини қайд этади;

— давлат нотариати ҳақидаги ССЖ Иттифоқи қонунларига ва Ўзбекистон ССЖ Қонунига мувофиқ нотариал ишларни амалга оширади;

— фуқароларга уларнинг шахсини, оилавий, мулкий аҳволини тасдиқлайдиган ҳамда қонунларда кўзда тутилган бошқа маълумотномалар ёзиб беради.

5. Ижроия комитетнинг мажлислари заруратга қараб, лекин ҳар ойда камида бир марта чақирилади ҳамда ижроия комитет умумий таркибининг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда қарорлар қабул қилади ва фармойишлар чиқаради. Ижроия комитет қарорлари очиқ овоз бериш йўли билан ижроия комитет бутун таркибининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

6. Халқ депутатлари маҳаллий Советининг ваколат муддати тугагандан сўнг ижроия комитет ўз ваколатларини янги чақириқ халқ депутатлари Совети ижроия комитетни тузиб, унинг таркибини тасдиқлагунча сақлаб қолади.

7. Халқ депутатлари маҳаллий Совети ижроия комитетининг раиси сессияда Совет ваколати муддатига, лекин сурункасига кўпи билан икки муддатга сайланади.

Маҳаллий Совет ижроия комитетининг раиси ижроия комитет фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг мажлисларини бошқариб боради, раис ўринбосарлари, бўлимлари ва бошқармаларнинг раҳбарлари ва ижроия комитет аъзолари лавозимларига тайинлаш учун номзодларни Советга тақдим этади, ижроия комитет аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш юзасидан таклифлар киритади, қарорлар ва фармойишларга имзо чекади, ижроия комитет бўлимлари ва бошқармалари, аппарат бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириб боради, тегишли Совет ижроия комитети ваколатлари доирасида бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ижроия комитети раисининг ўринбосарлари ўзларига топширилган тармоқлар ва фаолият соҳаларига раҳбарлик қиладилар, ижроия комитети раисининг берган ваколатига кўра унинг айрим вазифаларини бажарадилар ҳамда раис йўқ бўлган пайтларда ёки ўз вазифаларини бажаришга имконияти бўлмаган тақдирда унинг ўрнида ишлайдилар.

8. Турли ҳудудий даражалардаги маҳаллий Советлар ижроия идоралари билан бошқарув идораларининг ўзаро муносабатлари айрим ваколатларни қайта тақсимлаш ҳақида тегишли Советлар ўртасидаги битимлар асосида ташкил этилади.

Маҳаллий Советлар ижроия ва бошқарув идораларининг умумҳудудий аҳамиятга молик қарорлари мазкур ҳудудда иш олиб борётган Советлар ижроия ва бошқарув идоралари учун ана шу битимларда белгилаб қўйилган доирада ва Советнинг ҳуқуқ доирасида мажбурийдир.

20-модда. **Халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг бўлимлари ва бошқармалари**

Ижроия комитетининг бўлимлари ва бошқармаларини Совет тузади ва улар ўз фаолиятида Совет ва унинг ижроия комитетига бўйсунадилар.

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН ССЖда МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Ижроия комитети бўлимлари ва бошқармалари маҳаллий бюджет ҳисобига сақлаб турилади ёки хўжалик ҳисоби асосида иш олиб борадилар.

Халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг бўлимлари ва бошқармалари Совет ҳудудидаги хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишнинг ўзларига топширилган тармоқларига Ўзбекистон ССЖ қонунлари, Совет ва ижроия комитети қарорлари асосида раҳбарлик қиладилар.

IV БЎЛИМ

ҲУДУДНИНГ ИЖТИМОИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ИДОРАЛАРИ

21-модда. **Ҳудуднинг ижтимоий ўзини ўзи бошқариш идоралари тушунчаси ва системаси**

1. Ҳудуднинг ижтимоий ўзини ўзи бошқариш идоралари муайян ҳудудда яшайдиган фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш учун тузилган ихтиёрий уюшмаларидир.

2. Ҳудуднинг ижтимоий ўзини ўзи бошқариш идоралари жумласига қуйидагилар киради: майда ноҳиячаларнинг кенгашлари ва комитетлари, маҳалла, ўрам, уй комиталари ҳамда муайян ҳудуд аҳолиси маҳаллий шароитлар ва анъаналар асосида тузадиган бошқа идоралар.

3. Ҳудуднинг ижтимоий ўзини ўзи бошқариш идоралари Қонунда белгилаб қўйилган тартибда маҳаллий Совет томонидан рўйхатга олинади ва уларга ҳуқуқий шахс ҳуқуқлари берилиши мумкин.

4. Ҳудуднинг ижтимоий ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолият кўрсатадиган чегаралар тегишли халқ депутатлари маҳаллий Совети ёки унинг раёсати томонидан аҳоли таклифларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

22-модда. **Ҳудуднинг ижтимоий ўзини ўзи бошқариш идораларининг асосий ваколатлари**

1. Ҳудуднинг ижтимоий ўзини ўзи бошқариш идоралари:

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларида, уларнинг ҳар қандай босқичларида ҳудуд аҳолиси манфаатларини ифодалайди;

— ўз ҳудуди масалаларини муҳокама қилиш чоғида халқ депутатлари ноҳия Советининг ишида қатнашади;

— ижтимоий соҳа объектларини, ҳудудни ободонлаштириш, таъмирлаш, тозалаш ишларини қабул қилиб олишда қатнашади;

— қонунлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий идораларининг бошқа ҳужжатлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари қабул қилган қарорлар, сайловчиларнинг наказлари амалга оширилишига кўмаклашади, шунингдек фуқаролар йиғилишларининг қарорлари бажарилишини ташкил этади;

— ҳудуднинг ижтимоий ўзини ўзи бошқариш идоралари ихтиёрига берилган масалалар юзасидан тегишли Советлар ва уларнинг ижроия комитетларига, шунингдек ҳар қандай давлат идораларига ва корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга таклиф киритадилар ва илтимос билан кирадилар;

— қурилиш, уй-жой биноларидан фойдаланиш, уй-жойлар ва уй атрофини сақлаш қоидаларига, ёнғиндан сақлаш қоидаларига ва озодалик қоидаларига риоя этилиши, ер, сув ва бошқа табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни қўриқлаш, тарих ва маданият ёдгорликларини асраш юзасидан жамоат назоратини амалга оширадилар, аниқланган камчиликларни тугатиш юзасидан тегишли идораларга таклифлар киритадилар;

— Ўзбекистон ССЖ қонунларида белгилаб қўйилган бошқа ҳуқуқларга эга бўладилар.

2. Ҳудуднинг ҳуқуқий шахс бўлган ижтимоий ўзини ўзи бошқариш идораси:

— банк муассасаларида ҳисоб рақамлари, шу жумладан валюта ҳисоб рақамлари очишга ҳақли;

— ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган хўжалик фаолиятини мустақил амалга оширади, ана шу мақсадларда хўжалик ҳисобидаги бўлинмалар ташкил этиши мумкин;

— белгиланган тартибда майда корхоналар, кооперативлар, қизиқишлар бўйича клублар, ҳаваскорлар уюшмаларини, дам олиш марказларини, бошқа корхоналар ва ташкилотларни таъсис этади;

— халқ депутатлари маҳаллий Советлари билан, шунингдек корхоналар, кооперативлар ва бошқа хўжалик ташкилотлари билан шартнома асосида ҳамкорлик қилади;

— ҳудудни обод қилиш, уй-жой фондини ҳамда ижтимоий-маиший соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш ишларини маҳаллий бюджетнинг ана шу мақсадлар учун мўлжалланган маблағларидан ва ўз молиявий маблағларидан фойдаланган ҳолда бажариш хусусида буюртмачи бўлиши мумкин;

— ўз мулки бўлган бинолар, иншоотлар, яшашга мўлжалланмаган хоналарни ижарага беради;

— ҳудуд аҳолисининг умумий йиғилиши (йиғини) ёки конференцияси қарори асосида структура, ишловчилар доимий таркибини белгилайди ва ўз маблағлари ҳисобидан иш ҳақи тўлайди;

— ҳудуднинг ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш учун аҳоли, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштиради, маҳаллий ташаббус фондини тузади.

23-модда. **Ҳудуднинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг маҳаллий Советлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари**

1. Ҳудуднинг ижтимоий ўзини ўзи бошқариш идоралари ўз фаолиятида уларни сайлаб қўйган фуқаролар йиғилишларига, уларни рўйхатга олган халқ депутатлари Советига ҳисоб берадилар.

2. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари ҳудуднинг ижтимоий ўзини ўзи бошқариш идоралари ўз ваколатларини амалга ошириш, мулкларини шакллантириш, мустақил иқтисодий ва молиявий-хўжалик фаолиятини юритиш учун зарур шароитларни таъминлаб берадилар.

3. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасидаги ўз ваколатларининг бир қисмини шартнома асосида ҳудуднинг ижтимоий ўзини ўзи бошқариш идораларига бериши, хўжалик объектларини, уй-жой ва ноуй-жой фондини, шунингдек ўз молиявий, моддий ва бошқа ресурсларининг бир қисмини уларга мулк қилиб топшириши мумкин.

4. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳудуднинг ижтимоий ўзини ўзи бошқариш идораларига ер ва сувдан фойдаланиш, капитал қурилиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пулик хизмат кўрсатиш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан, ижтимоий тараққиётнинг бошқа масалалари юзасидан халқ депутатлари тегишли маҳаллий Советлари билан келишиб олиниши шарт. Келишиб олиш натижалари халқ депутатлари Совети билан тегишли корхона, ташкилот ўртасида шартнома тарзда расмийлаштирилади.

30-модда. **Моддий-техника таъминоти ва ҳудудлар ўртасида товар айирбошлаш**

1. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари ва маҳаллий хўжалик объектларининг моддий-техникавий таъминоти бозор муносабатлари шароитида мустақил равишда амалга оширилади.

2. Ҳудудлар ўртасида товар айирбошлаш ҳудуд бозорларининг очиқлиги шароитида шартнома негизида амалга оширилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари маҳсулот ва товарларни ташиб келтириш ва тегишли ҳудуд ташқарисига ташиб кетишга чеклаш киритишга ҳақли эмас.

31-модда. **Ташқи иқтисодий алоқаларда иштирок этиш**

1. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ташқи иқтисодий алоқаларни ССЖ Иттифоқи, Ўзбекистон ССЖ Қонунларига мувофиқ ташкил этадилар ва қатнашадилар. Регионнинг экспорт базасини ривожлантириш ва кенгайтиришни режалаштирадилар, ўзларига қарашли ҳудудларда жойлашган корхоналар ва ташкилотларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга кўмаклашадилар.

2. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва улар тузадиган органлар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

— мавжуд валюта маблағи ҳисобига ёки бошқа асосда маҳсулот сотиш ва харид қилишга чет эллардаги шериклар билан шартнома тузиш;

— халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган ва аҳолига хизмат кўрсатадиган, уй-жойлар қуриш билан шуғулланадиган қўшма корхоналар барпо этиш, хорижий шериклар билан биргаликда илмий, маданий, туристик, физкультура ва соғломлаштириш марказларини, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликка доир ташкилотларни барпо этишда иштирок қилиш;

— юқори органлар билан келишиб, эркин иқтисодий зонани ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш;

— чегара савдосини ташкил этиш.

VI БЎЛИМ

МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСИ

32-модда. **Молиявий ресурслар**

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан, шунингдек ҳудудий ўзини ўзи бошқариш органларининг маблағларидан иборат бўлган молиявий ресурслар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асосини ташкил этади.

33-модда. **Маҳаллий бюджет**

1. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари тегишли ҳудудлар бюджетларини аҳоли манфаатларини кўзлаб мустақил равишда ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар ва ижро этадилар. Маҳаллий бюджетларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этиш жараёнларига юқори органларнинг аралашувига йўл қўйилмайди.

2. Маҳаллий бюджетларнинг энг кам миқдори Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши ҳар бир кишига бюджет билан таъминланиш юзасидан белгилайдиган ва Ўзбекистон ССЖ Олий Совети тасдиқлайдиган нормативлар асосида белгиланади.

29-модда. **Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш**

Халқ депутатлари маҳаллий Совети ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш программаларини мустақил ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, бунда сайловчиларнинг наказларини ва корхоналар, муассасалар, ташкилотлар жамоаларининг таклифларини мавжуд ваколатлар доирасида ҳамда моддий-молиявий ресурсларга қараб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва фуқароларнинг ижтимоий кафолатларига риоя этиш манфаатларини кўзда тутиб ҳисобга олади.

Маҳаллий мулк таркибига кирмайдиган корхоналар ва ташкилотларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш программ лойиҳалари ер ва сувдан фойдаланиш, капитал қурилиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пулик хизмат кўрсатиш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан, ижтимоий тараққиётнинг бошқа масалалари юзасидан халқ депутатлари тегишли маҳаллий Советлари билан келишиб олиниши шарт. Келишиб олиш натижалари халқ депутатлари Совети билан тегишли корхона, ташкилот ўртасида шартнома тарзда расмийлаштирилади.

30-модда. **Моддий-техника таъминоти ва ҳудудлар ўртасида товар айирбошлаш**

1. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари ва маҳаллий хўжалик объектларининг моддий-техникавий таъминоти бозор муносабатлари шароитида мустақил равишда амалга оширилади.

2. Ҳудудлар ўртасида товар айирбошлаш ҳудуд бозорларининг очиқлиги шароитида шартнома негизида амалга оширилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари маҳсулот ва товарларни ташиб келтириш ва тегишли ҳудуд ташқарисига ташиб кетишга чеклаш киритишга ҳақли эмас.

31-модда. **Ташқи иқтисодий алоқаларда иштирок этиш**

1. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ташқи иқтисодий алоқаларни ССЖ Иттифоқи, Ўзбекистон ССЖ Қонунларига мувофиқ ташкил этадилар ва қатнашадилар. Регионнинг экспорт базасини ривожлантириш ва кенгайтиришни режалаштирадилар, ўзларига қарашли ҳудудларда жойлашган корхоналар ва ташкилотларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга кўмаклашадилар.

2. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва улар тузадиган органлар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

— мавжуд валюта маблағи ҳисобига ёки бошқа асосда маҳсулот сотиш ва харид қилишга чет эллардаги шериклар билан шартнома тузиш;

— халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган ва аҳолига хизмат кўрсатадиган, уй-жойлар қуриш билан шуғулланадиган қўшма корхоналар барпо этиш, хорижий шериклар билан биргаликда илмий, маданий, туристик, физкультура ва соғломлаштириш марказларини, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликка доир ташкилотларни барпо этишда иштирок қилиш;

— юқори органлар билан келишиб, эркин иқтисодий зонани ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш;

— чегара савдосини ташкил этиш.

VI БЎЛИМ

МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСИ

32-модда. **Молиявий ресурслар**

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан, шунингдек ҳудудий ўзини ўзи бошқариш органларининг маблағларидан иборат бўлган молиявий ресурслар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асосини ташкил этади.

33-модда. **Маҳаллий бюджет**

1. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари тегишли ҳудудлар бюджетларини аҳоли манфаатларини кўзлаб мустақил равишда ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар ва ижро этадилар. Маҳаллий бюджетларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этиш жараёнларига юқори органларнинг аралашувига йўл қўйилмайди.

2. Маҳаллий бюджетларнинг энг кам миқдори Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши ҳар бир кишига бюджет билан таъминланиш юзасидан белгилайдиган ва Ўзбекистон ССЖ Олий Совети тасдиқлайдиган нормативлар асосида белгиланади.

34-модда. **Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари**

1. Биринчи ҳудудий даражадаги маҳаллий Советларнинг бюджетларига қуйидаги даромадлар тўла ўтказилади:

— маҳаллий Совет ҳудудида яшовчи СССР ва Ўзбекистон ССЖ фуқароларидан, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи;

— колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан олинадиган солиқ;

— кооперативлардан олинадиган солиқ;

— якка тартибдаги меҳнат фаолияти патентини рўйхатга олиш учун тўлов;

— ер ижара ҳақи;

— қисман юқори маҳаллий Советлар бюджетларида марказлаштирилиши мумкин бўлган ер солиғи;

— биринчи ҳудудий даражадаги Советлар ундирадиган давлат божи, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар;

— матлубот кооперациясидан даромад солиғи.

2. Иккинчи ва учинчи ҳудудий даражалардаги маҳаллий Советларнинг бюджетларига қуйидаги даромадлар тўла ўтказилади:

— тегишли маҳаллий хўжалик таркибига кирадиган корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлардан (меҳнат ресурслари ва табиий ресурслар учун тўлов ҳам қўшиб ҳисобланганда), шунингдек халқ депутатлари маҳаллий Советларининг улушига мувофиқ равишда қўшма корхоналардан ундириладиган фойда (даромад)дан олинадиган солиқ;

— тегишли ҳудудий таркибга кирадиган корхоналар (бирлашмалар), ташкилотларнинг фойда (даромад)дан СССР ва Ўзбекистон ССЖ қонунлари билан белгилаб қўйиладиган ставкаларга мувофиқ ундириб олинадиган ҳудудий солиқ;

— иккинчи ҳудудий даражадаги маҳаллий Советининг бюджетига — колхозлардан олинадиган даромад солиғи;

— матлубот кооперацияси ва жамоат ташкилотларидан олинадиган даромад солиғи — уларнинг ҳудуди бўйича бўйсунишига қараб;

— иккинчи ҳудудий даражадаги маҳаллий Совет бюджетига давлат пошлиналари;

— рўйхатга олинган жойда якка тартибда меҳнат фаолиятига патент учун тўловлар;

— халқ депутатлари маҳаллий Советларининг коммунал мулки бўлган молмулкни сотиш ва ижарага беришдан тушумлар;

— ССЖ Иттифоқи, Ўзбекистон ССЖ қонунларига мувофиқ олинадиган бошқа даромадлар.

3. Маҳаллий бюджетларга муҳим узоқ муддатли нормативлар асосида қуйидагилардан ажратмалар ўтказилади:

— оборот солиғидан;

— бошқа даромадлардан, шу жумладан ССЖ Иттифоқи, Ўзбекистон ССЖ қонунларида кўзда тутилган жумҳурият пул-буюм лотереялари ва давлат заёмларини сотишдан тушган даромадлардан.

Тегишли маҳаллий бюджетларга ажратмаларнинг нормалари даромадларнинг умумий ҳажми ва маҳаллий бюджет харажатларининг умумий ҳажмига, ССЖ Иттифоқи, Ўзбекистон ССЖ давлат ҳокимият органлари томонидан белгилаб қўйиладиган ижтимоий нормативларга қараб халқ депутатлари юқори Советлари томонидан тасдиқланади.

4. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари Ўзбекистон ССЖ қонунларига мувофиқ:

— корхоналар ҳамда коммунал мулк ҳисобланган маҳаллий хўжалик бошқа иншоотлари учун фойдадан олинадиган солиқ миқдорини;

— Маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва пошлиналарни белгилайдилар.

5. Даромадлар етарли бўлмаган тақдирда маҳаллий бюджетларга юқори бўғиндаги бюджетлардан дотациялар, субвенциялар ва субсидиялар ўтказилиши мумкин.

6. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари айрим солиқ тўловчиларга тегишли маҳаллий бюджетга тушадиган солиқлар ва тўловлар юзасидан имтиёзлар беришга ҳақлидирлар.

7. Маҳаллий бюджетлар ижроси чоғида олинган қўшимча даромадлар, шунингдек даромадлар қисмини ошириб бажариш ёки харажатларни тежаш натижасида ҳосил бўладиган даромадларнинг харажатларидан ортиқча миқдори халқ депутатлари маҳаллий Советларининг тасарруфида қолади, улар тортиб олинмайди ва маҳаллий Советлар ўз ҳоҳишларига кўра фойдаланадилар.

35-модда. **Маҳаллий бюджетларнинг харажатлари**

1. Биринчи ҳудудий даражадаги Советларнинг бюджетидан кам деганда бошланғич ва тўлиқсиз ўрта мактабларни сақлаш учун (ўқитувчиларнинг иш ҳақидан ташқари), қишлоқ кутубхоналари, маданият уйлари ва клубларни, фельдшерлик-акушерлик пунктларини ва Совет аппаратини сақлаш учун харажатлар пул билан таъминланиши лозим.

Бошқа муассасаларни пул билан таъминлаш турли даражадаги Советларнинг келишувига мувофиқ топширилади.

2. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари мустақил равишда:

— маҳаллий бюджетлар маблағидан фойдаланишнинг йўналишларини белгилайдилар, бюджет маблағини сарфлайдилар;

— маҳаллий бошқарув органларини сақлаш учун харажатлар ҳажмини белгилайдилар;

— ўзларидаги мавжуд маблағ доирасида уй-жой-коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ижтимоий таъминот, маданият ва спорт муассасаларини, ички ишлар органларини сақлаш учун, табиатни муҳофаза қилиш учун харажатлар нормаларини кўпайтирадилар, ҳокимият ва бошқарув органлари ходимларининг иш ҳақига қўшимчаларни, уларни мукофотлаш системасини, аҳолининг айрим тоифаларига ёрдам кўрсатишда қўшимча имтиёзлар ва нафақаларни белгилайдилар;

— резерв фондларни ташкил этадилар.

36-модда. **Бюджетдан ташқари фондлар**

1. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари бюджетдан ташқари фондларни ташкил этадилар, уларга қуйидагилар киради:

— иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш юзасидан маҳаллий Советлар томонидан уюштирилган тадбирларни амалга ошириш ҳисобига олинган қўшимча даромадлар ва тежаб қолинган молиявий ресурслар;

— ўзаро йиғим маблағлари фуқаролар, корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар ва муассасаларнинг ихтиёрий бадаллари ва инъомлари;

— қимматбаҳо қоғозлар, маҳаллий заёмлар ва пул-буюм лотереяларидан ва кимошди савдосидан тушган даромадлар;

— корхоналар ва ташкилотлар маҳсулот, ишлар, хизматларнинг бошқариладиган давлат нархларини (тарифларини) ошириганлиги муносабати билан асоссиз равишда олган фойдалари (даромадлари) учун ундириладиган жарималар;

— атроф-муҳитни булғатганлик ва табиат ресурсларидан номақбул фойдаланганлик ҳамда табиатни муҳофаза қилиш қонунларини, санитария нормалари ва қоидаларини бошқа тарзда бузганлик учун жарималар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш учун тўловлар. Ана шу жарималар ва тўловлар миқдоридан тегишли ҳудуд табиатини муҳофаза қилиш ва соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш учун фойдаланилади;

— маҳаллий Совет ҳудудида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жарималар, шунингдек халқ назорати тегишли органлари соладиган пул жарималари;

— маҳаллий Совет ҳудудида жойлашган корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар ва муассасалар яширган ёки камайтириб кўрсатган даромадлар текшириш чоғида аниқланган тақдирда уларнинг 50 фоизи;

— эгасиз ва мусодара этилган мол-мулкни сотишдан тушган даромадлар;

— бошқа бюджетдан ташқари маблағлар.

2. Бюджетдан ташқари фондларнинг маблағи банк муассасаларида очиладиган махсус счетларда бўлади. улар тортиб олиниши мумкин эмас ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари ўз ихтиёрларига кўра сарфлайдилар.

3. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураси иншоотларини қуриш, кенгайтириш, таъмирлаш ва сақлашга, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар, муассасалар ва аҳоли маблағини, шунингдек бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишга ҳақлидирлар.

37-модда. **Валюта фондлари**

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар, уларнинг мулк шакли қандайлигидан қатъи назар, валюта тушумларидан нормативларга мувофиқ ажратмалар ҳисобидан валюта фондларини тузишга ҳақлидирлар.

38-модда. **Ижтимоий ўзини ўзи бошқариш ҳудудий идораларининг молиявий ресурслари**

Ижтимоий ўзини ўзи бошқариш ҳудудий идораларининг молиявий асосини корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар, муассасалар, аҳолининг ихтиёрий бадаллари ва инъомлари, тузилган корхоналар ва ўтказиладиган тадбирлардан тушадиган даромадлар ташкил этади.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ўз молиявий ресурсларининг бир қисмини ижтимоий ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий идорасига беришга ҳақлидир.

Ижтимоий ўзини ўзи бошқариш ҳудудий идоралари ўз тасарруфидаги молиявий ресурслардан ўз фаолиятининг мақсадларига мувофиқ равишда, шу жумладан ўзи тузадиган идораларни сақлаб туриш учун мустақил фойдаланади.

39-модда. **Кредит муносабатларида ва пул муомаласини уюштиришда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг иштироки**

1. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ҳамда ҳуқуқий шахс ҳисобланган бошқа маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари:

— шартнома асосида ишлаб чиқариш ва ижтимоий мақсадларни кўзлаб кредитлардан фойдаланиш, қарз олиш ва қарз беришга;

— ССЖ Иттифоқи ва Ўзбекистон ССЖ қонунларига мувофиқ равишда акцияли ёки улушбай асосида молия-кредит муассасаларини барпо қилишга ва уларнинг фаолиятида ўз ресурслари билан иштирок этишга, мақсадли жамғармаларни барпо этишга ҳамда уларни ҳудудий вазифаларни ҳал қилиш учун мақсадли программалар ва тадбирларни пул билан таъминлашга ресурс сифатида исталган банк муассасасига топширишга ҳақлидир.

2. Қимматбаҳо қоғозлар бозорида қатнашишга, қўшимча молия ресурсларини жалб қилиш учун қимматбаҳо қоғозлар, лотереялар чиқаришга, маҳаллий заёмлар тарқатишга ҳақлидир.

3. Қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар тегишли ҳудудда ишлаб чиқариш ва бошқа объектларни барпо этиш чоғида шартнома асосида акцияли бўлишга ҳақлидир.

4. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ҳудудий қўшма молия балансларини тузишга ҳақлидирлар. Тегишли давлат ва жамоат идоралари, корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар ва муассасалар, мулк шаклидан қатъи назар, бундай балансларни тузиш учун зарур бўлган маълумотларни халқ депутатлари Совети ва унинг ижроия ҳамда бошқарув идораларига тақдим этадилар.

VII БЎЛИМ

МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ КАФОЛАТЛАРИ

40-модда. **Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг ҳудудни ривожлантириш борасидаги ваколатларини таъминлаш**

1. Иқтисодий ва ижтимоий мақсадларга мўлжалланган иншоотларни барпо этиш ёки ўзгартириш ёки тегишли ҳудудда табиат ресурсларидан фойдаланиш масалаларини фақат халқ депутатлари маҳаллий Советларининг розилиги билан ҳал қилиш мумкин.

2. Корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар ва муассасалар, уларнинг қайси идорага бўйсунишидан ва мулкнинг шаклидан қатъи назар, маҳаллий Совет билан тузилган шартномада кўрсатилган масалалар юзасидан ўз фаолияти режаларига ўзгариш киритишга ҳақли эмаслар, шунингдек ҳудудий аҳолиси манфаатларига дахл қиладиган экология, нуфус билан боғлиқ ва ўзга оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган тадбирларни мажбурий равишда халқ депутатлари тегишли Совети билан келишиб оладилар.

41-модда. **Социалистик қонунчиликни таъминлаш**

1. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари ўз фаолиятини тегишли ҳудуд аҳолисининг номидан ва Ўзбекистон ССЖ Қонунларига асосан амалга оширади.

2. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорлари мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар, тегишли ҳудудда жойлашган Советлар, корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар, муассасалар учун, жамоат ташкилотлари, бошқа идоралар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

3. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

— давлат бошқарув идораларининг, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг, корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар ва муассасаларнинг Ўзбекистон ССЖ қонунларига зид бўлмаган, мазкур ҳудудда яшовчи фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шунингдек халқ депутатлари маҳаллий Советлари ваколатларини бузадиган ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида суд ёки давлат ҳакамлигига талаб қўйиш ҳамда суд ёки ҳакамлик қарор қабул қилгунга қадар баҳсли ҳужжатлари амал қилишини тўхтатиб туриш;

— табиий офат, экология фалокати, эпидемиялар, эпизоотиялар юз берган тақдирда, ёнғин чиққанда ва жамоат тартиби бузилганда фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мулкнинг барча шаклларини ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш юзасидан қонунда кўзда тутилган алоҳида чораларни амалга ошириш;

— Ўзбекистон ССЖ Қонунларида кўзда тутилган доирада ўз қарорларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш;

— белгилаб қўйилган лимитдан ортиқча табиат ресурсларидан фойдаланишни чеклаб қўйиш;

— қаттиқ чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни жойлаштириш учун ҳақ белгилаш;

— экология экспертизаси хулосаси бўлмаган ёки салбий хулоса берган тақдирда, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар бузилган тақдирда иншоотлар қурилишини, янгиланишини ва технология билан қайтадан жиҳозланишини, маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйиш;

— ССЖ Иттифоқи ва Ўзбекистон ССЖ қонунларида кўзда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

4. Корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари олдида масъул, шу жумладан мулкий жиҳатдан масъул бўлиб, ўз қарорлари, ҳаракатлари ёки бепарволиклари натижасида аҳоли манфаатларига, маҳаллий хўжаликка, атроф муҳитга етказилган зарарни, шунингдек маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари қарорларини бажармаслик натижасида етказилган зарарни тўла қоплайдилар.

5. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идорасининг қонун билан белгилаб қўйилган ҳуқуқлари камситилиши ёки чеклаб қўйилиши мумкин эмас, Ўзбекистон ССЖ қонунларида кўзда тутилган давлат зарурати ҳоллари бундан мустаснодир.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ССЖ Иттифоқи ва Ўзбекистон ССЖ қонунларига мувофиқ суд ёки давлат ҳакамлиги таъминлайди.

42-модда. **Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг масъулияти**

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлиги учун жавобгардирлар.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг ҳаракатлари ёки бепарволиги натижасида корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар, муассасалар (уларнинг мулкчилик шакли қандайлигидан қатъи назар) ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга доир низоларни суд ёки давлат ҳакамлиги ҳал қилади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг ғайриқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида етказилган зарарлар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг ўз маблағи ҳисобидан тўланади.

43-модда. **Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг таклифларини кўриб чиқиш**

Ўзбекистон ССЖ давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий идоралари, жамоат ташкилотларининг жумҳурият идоралари ўз фаолиятларида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг таклифларини кўриб чиқишга ва ҳисобга олишга, мавжуд қонунларда белгиланган тартибга мувофиқ бу таклифларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уларга маълум қилишга мажбурдирлар.

* * *

Қонун лойиҳасига фикр-мулоҳаза ва таклифлар 27 октябргача қуйидаги манзилгоҳга юборилсин:

700008, Тошкент шаҳри, ҳукумат уйи, Ўзбекистон ССЖ Олий Совети иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув комитети, телефон 39-84-76

«Совет Ўзбекистони» йўлланмаси билан

ШЕРОБОД НОҲИЯСИ. Усмон Юсупов номли давлат хўжалиги шу йил 3 октябрь куни 20 иш кунида пахта топшириш йиллик режасини ортиғи билан адо этди. Мавжуд 2920 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 26 центнердан ҳосил олинди. Унинг адо этилишида хўжаликдаги 12 бўлим, 26 бригада, 76 онлавий звеноларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Коммунист Холмўмин Ўтаганов бошлиқ бўлим эса 15 иш кунида маррага етди. Улдона Олимова, Ғаффор Маҳманазаров, Тўхташ Оллаёров, Халил Хайинов, Аҳмад Янгибоев, Холмўмин Боймуродов, Нурмамат Бўрнев, Абдуғани Тўхтаев, Мурод Абдурамнов бошлиқ бўлим меҳнаткашлари кунлик ўсишда юқори натижага эришдилар.

Мавсумда 80 та пахта териш машинаси ишлади. Ялпи ҳосилнинг 6800 тоннаси, ёки 92 фоизи машиналар ёрдамида териб олинди. Хўжалик меҳнаткашлари суръатни бўшаштирмай, яна минг тонна пахта етиштириш учун курашмоқдалар.

РАПОРТГА ИМЗО ЧЕКИЛГАНДА...

Шеробод ноҳиясидаги Усмон Юсупов номли давлат хўжалигига етиб келганимизда дала меҳнаткашларининг қувончи чексиз эди. Хўжалик директори Б. Нормуродов, партия ташкилоти котиби М. Бўтаев, ишчилар комитети раиси К. Абдураҳмонов, комсомол ташкилотининг котиби А. Худойбердиев пахта тайёрлаш йиллик режани бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортига имзо чекишарди.

Бундай қувончли палла яқин ўн йил давомида бугунгидай эрта рўй бермаганди. Нега? Ахир, илгариги сингари кўчаларда бақириқ-чақириқлар, шиорлар йўқ-ку! Ҳашарчилар деярли жалб этилмаган. Жумҳуриятимиз Президенти, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримовнинг Фармони кексаю ёшни далага, пахтазорга чорлади. Меҳнат қилган элда азиз, дейдилар. Айрим пахтакорлар кунига 100-150 килограммдан пахта термоқдалар. Бу эса бир ҳафтанинг ўзида 100-200 сўмгача ишлаш имконини бераётир.

Бу йилги мўл ҳосил қандай қўлга киритилди? Аввало шуни айтиш керакки, ҳосил учун кураш ўтган йилнинг кузиданоқ бошланган эди. 2920 гектар майдон сифатли ва чуқур шудгор қилинди. 2 минг гектар майдонга ингичка толали пахта экилди. Бу йил илк бор трактор аппаратлари ёрдамида жами майдондаги ғўза барглари тўкилди. Бу пахтанинг тез ва соз етилишига, машинанинг қулай ишлашига йўл очди. Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг етиштирилган ҳосилни ҳашарчиларсиз териб олиш ташаббуси хўжаликда ишлаб чиқилди, тадбирлар белгиланди. Бунда, албатта, шерободликлар тажрибаси катта имконият яратди.

Шерободликлар тажрибаси туфайли қўлга киритилаётган ютуқларни шарҳлаб бериш учун хўжалик бош бухгалтери Ёдгор Муҳаммадиевга юзландик. Унинг таъкидлашича, хўжаликка қарашли пункт ўтган йили 7803 тонна пахта қабул қилган. Ундан 2406 тонна тола олинган. Бу 9 миллион 225 минг сўм демакдир. Ҳосилни ўз пунктига топширгани туфайли хўжалик 1 миллион сўмга яқин фойда олди. Яна бир рақамни келтириш мумкин. Илгари хом ашё енгил саноати тармоқлари оладиган баҳо фарқи ҳам айнан хўжаликнинг ўзида қолаётир. Бу эса 2,5 миллион сўмни ташкил этаётир.

Мана шу тажриба, яъни завод ва пунктлар хўжаликларнинг ўзига хизмат қилаётгани туфайли ҳам бир йилнинг ўзида хўжалик 3,5 миллион сўм фойда кўрмоқда.

— Ўтган йили 12 миллион сўм даромад олдик, — дейди Ё. Муҳаммадиев. — Соф фойда 4 миллион 196 минг сўмни ташкил этди. 5600 минг сўм иш ҳақи берилди. Механизаторларнинг ўртача иш ҳақи 6—6,5 мингга, сувчиларнинг иш ҳақи эса 5—5,5 минг сўмга етди.

Хўжаликнинг бу йилги марраси улкан. Юз фоиз пахта биринчи навларга сотилди. 95 фоизи эса машиналар ёрдамида териб олинди. Механизаторларнинг йиллик ўртача ойлиги 7 минг, сувчиларники эса 6 минг сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

Бу тажриба ноҳия бўйича қандай амалга оширилмоқда? Ҳақиқатан хўжаликларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида ноҳия хўжаликлари пахтани тайёрлаш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотларни сотишни ташкил этишда янгича усулга ўтдилар. Бу усул бўйича пахта тайёрлаш пунктлари пахта тозалаш заводи ҳисобидан хўжаликлар ихтиёрига бепул ўтказилди. Пахта тозалаш заводи эса ноҳия агросаноат давлат ширкат уюшмаси ихтиёридадир. Шу муносабат билан хўжаликлар ишини мувофиқлаштириб туриш ҳамда пахтани қайта ишлашни назорат қилиш учун ноҳия агросаноат уюшмаси таркибида янги бўлим ташкил этилди.

Ноҳиядаги пахта тозалаш заводи ҳам янгича усулда, яъни «Тегирмон» сифатида фаолият кўрсатмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда хўжаликлардан қайта ишланган ҳар бир тонна тола учун 201,7 сўмдан пул олинмоқда. Тайёр маҳсулотлар (тола, чигит, линт ва ҳоказо)ни сотиш билан хўжаликларнинг ўзлари шуғулланадилар. Сотилган маҳсулотларнинг маблағи хўжаликнинг ўзида қолади. Ўтган йилнинг ноябрида Тошкентда, декабрь ойида эса Москвада бўлиб ўтган кўргазмаларда хўжаликлар раҳбарларининг ўзлари иштирок этдилар ва харидорлар билан шартномалар туздилар.

Ноҳияда ўтган йили 61144 тонна пахта тайёрланган эди. Табиий камайиш ва қуритиш цехларидан ўтказилгандан сўнг 60787 тонна пахта қайта ишланди. Ундан 19693 тонна сифатли тола олинди ёки тола чиқиши 32,4 фоизни ташкил этди. Бу 1988 йилги кўрсаткичлардан 1,7 фоиз ёки 335 тонна кўп демакдир. Бу кўрсаткич нормативга нисбатан ҳам 793 тонна кўп.

Хўжаликлар пахта тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотишни ўз зиммаларига олганликлари туфайли пул даромадлари кўпайиб бормоқда, молиявий аҳволи тобора яхшиланмоқда. Биргина мисол. Хўжаликлар ўтган йили ноҳия бўйича тола сотишдан 55524 минг сўм, чигит сотишдан 2917 минг сўм, бошқа ёрдамчи маҳсулотлардан 77 минг сўм, машина теримини кўпайтирганлиги туфайли 3648 минг сўм, беш йилликнинг ўртачасидан кўп ҳосил олганлиги туфайли 3825 минг сўм, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг қарорига асосан қўшимча тўловлардан (1 килограмм ипак пахта 0,50 сўм, 1 килограмм оқ пахтага, 0,90 сўм) 3173 минг сўм, режадан ортиқ сотилган маҳсулот учун 856 минг сўм ва пахтачиликдаги бошқа тушумлардан 6449 минг сўм маблағ олдилар.

Ўтган йили хўжаликлар пахтанинг ўзидан ҳаммаси бўлиб 76467 минг сўм ялпи даромад олишга эришдилар. Пахта тайёрлаш ва сотиш бўйича қўшимча харажатлар 772,5 минг сўмни, пахта тозалаш заводининг тола ишлаб бериш учун хўжаликлардан оладиган пули 3945 минг сўмни, пахта етиштириш учун йил давомида қилинган харажат 47083 минг сўмни ташкил этди. Яъни пахтанинг таннархи 51800,5 минг сўмга етди.

Энди ҳисоблаб кўрайлик. 76467 минг сўм ялпи даромаддан 51800,5 минг сўмни олиб ташласак, 24667 минг сўм соф фойда кўрган бўлади. Демак, хўжаликлар ўтган йили шунча соф фойда олишга эришганлар. Бу 1988 йил олинган соф фойдадан анча кўпдир.

Ўтган хўжалик йилида чигитнинг бир қисми паст навларга сотилди. Бунинг боиси бор. Негаки, заводларда чигит сақланадиган жойлар етишмайди. Айрим хўжаликларда чигит очиқ жойларда сақланаётир.

Ноҳия хўжаликларининг янги иқтисодий муомалага ўтиб иш олиб бораётгани олдингига нисбатан бир қанча афзалликларга эгалигини кўрсатаётир. Чунончи, пахтани йиғиб-териб олиш, тайёрлаш ва уни сақлаш ишлари хўжаликларнинг ўзида қолаётгани пахтанинг сифатли тайёрланишини таъминламоқда. Пахтакор ўзи етиштирган ҳосил натижаларидан манфаатдор, негаки фойдаси ўзларига қолаётир.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтишга тайёрланаётган бир пайтда хўжаликлар ўзлари етиштирган маҳсулотни хоҳлаган жойларга сотишдек мустақилликка эга бўладилар. Бу тажриба сон ортидан қувмай, балки сифат учун курашишни тақозо этаётир.

Янгиликнинг қаноти бор, лекин у турли тўсиқларга учраши табиий. Жумладан, ўтган йили вилоятда ёки жумҳуриятимизда шу усул бўйича юқори ташкилотнинг йўқлиги, пахта қабул қилишда қўлланиладиган техника ва жиҳозлар билан таъминлашда жамғармаларнинг аниқ эмаслиги айрим қийинчиликларга дучор қилаётир. Янги шароитда ишлаётган хўжаликлар ўз ҳосилини қайта ишлаб, толасини сотгунича давлатдан қарз олишга мажбур бўлаётир. Бунда, албатта, банк фоизи ҳисобида ҳам хўжалик зарар кўраётир. Бундай нуқсонлар бартараф этилса, Шеробод тажрибаси ҳамма учун ва асосан пахтакор учун фойдадан ҳоли эмас.



ШЕРОБОД ТАЖРИБАСИ

● ИҚТИСОДИЕТ ПАХТА ДАЛАЛАРИДА ИШЛАМОҚДА.

● ДИҚҚАТГА САЗОВОР ТАЖРИБА.

● ҒОЛИБЛАР ҒАЛАБА РАПОРТИГА ИМЗО ЧЕКИШМОҚДА.

● ДЕҲҚОНЛАР ШЕРОБОДЛИКЛАР УСУЛИДАН МИННАТДОР БЎЛМОҚДАЛАР.

ЖАРҚЎРҒОН НОҲИЯСИ. «Социализм» жамоа хўжалиги пахта тайёрлаш режаларини ноҳияда пешқадамлар сафида адо этдилар. Тайёрлов пунктларига 4300 тонна пахта хом ашёси етказиб берилди. Ҳосилдорлик 32 центнерга етди. Бу юксак хирмонни бунёд этишда механик-ҳайдовчиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Абдушукур Абдурамнов, Жовли Бўриев, Қувондиқ Раҳмонқулов, Абдуғани Ҳазратқулов сингари механизаторлар 130—140 тоннадан пахта теришга эришдилар.

Йиғим-теримда кўпмингкилограммчи теримчиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Шарифа Янгибоева, Тожиҳол Мусурмонова, Гулнора Холмуродова, Анор Маманова, Шарофат Жонназарова, Қизларбас Эшматова сингари теримчилар 5—6 тоннадан пахта терднлар.

Ҳосилдорликни 39 центнерга етказиш жамоа меҳнаткашларининг фикри-зикрига айланган.

КЎРИНГ, ҲАВАС ҚИЛИНГ...

Сурхон далаларида етиштирилган ҳосилни кўриб ҳавасингиз келади, бу майдонларда теримчилар, механизаторларнинг ғайрат-шижоатига беихтиёр таҳсинлар ўқийсиз. Ҳа, воҳада етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун ҳақиқий кураш бораётир. Вилоят, ноҳия партия комитетларига, кенгашларга меҳнат рапортлари тинимсиз келиб турибди.

Мана, уларнинг айримлари:

● Термиз ноҳиясидаги «Гулбаҳор» давлат хўжалиги жамоаси вилоятда биринчи терим ва нав ҳисобига пахта тайёрлаш режасини адо этдилар. 1700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 20 центнердан қўриқ пахтаси йиғиштириб олинди.

● Жарқўрғон ноҳиясидаги Н. Боймуродов номли жамоа хўжалиги аъзолари 1555 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлдилар. Давлатга 4850 тонна сифатли хом ашё етказиб берилди. Бу юксак хирмонда механизаторлар Ўринбой Ҳайитов, Муҳиддин Йўлдошев, Ҳамид Зиёев, Раҳим Холёров, Чори Мақсадов, Назар Бозоровларнинг ҳиссаси каттадир. Мусобақа ғолиблари Жанбул Сулаймонова, Гулистон Маликова, Муҳаббат Омонқулова, Қурбонгул Маллаева сингари кўпмингкилограммчи теримчиларнинг ҳар бири 7—8 тоннадан пахта тердилар.

● Бойсунлик механизаторлар етиштирилган ҳосилнинг 95 фоизини машиналар ёрдамида териб олдилар. Ойбек номли давлат хўжалигининг механик-ҳайдовчиси Эргаш Алихонов мусобақа пешқадамидир. У шу кунгача 200 тонна пахта терди.

● Денов ноҳияси пахтакорлари ингичка толали пахта тайёрлаш режасини 200 фоиздан ошириб адо этишди.

● Сариосиё ноҳиясидаги Ж. Пирназаров номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари маррага биринчи бўлиб келдилар. Тадбиркорлик, уюшқоқлик ва ғамхўрлик ютуқлар гарови бўлаётганини ҳар бир звено, бригада, бўлим ва хўжаликларда кўриш мумкин.

Жарқўрғон ноҳияси агросаноат уюшмаси раиси Чори Чутпўлатов билан суҳбатлашдик. Бу йил ноҳия механизаторлари катта зафар қучдилар. Машина терими режаси 20 иш кунида ошириб уддаланди. 245 терим машинасининг ҳар биридан 75 тоннадан пахта теришга муваффақ бўлинди. Бунда «Коммунизм», «Партия XXII съезди», Норали Боймуродов номли, «Социализм» жамоа хўжаликлари, «Бўстон», «Сурхон» давлат хўжаликларининг механизаторлари катта ҳисса қўшдилар. Ш. Тўраев, М. Мамараимов, И. Маҳмудов, Н. Бозоров, О. Ҳаитов, У. Нормуродов, К. Суюнов сингари механизаторлар ҳозиргача 150—180 тоннага етказиб пахта тердилар.

Ноҳияда Ўзбекистон жумҳурияти Президенти Фармонларининг ижросига алоҳида эътибор берилянти. Аҳолини томорқа, ем-хашак ва чорва моллари билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган. Кейинги уч йил мобайнида ноҳияда 1,5 минг гектар майдон токзорларга айлантирилди, чорвачиликни ривожлантиришга эътибор кучайди. 583 гектар майдон эса томорқага ажратилди, бундан 4 мингдан зиёд оила баҳраманд бўлди.

Нурхон Хўжанов «Социализм» жамоа хўжалигида уч номзод орасидан жамоа бошқарувига раис қилиб сайланди. Ана шу юксак ишончни оқлаш учун тинимсиз изланяпти. Жамоа хўжалиги пахта тайёрлаш давлат режасини қисқа вақт ичида адо этди.

— Йиллик режанинг бажарилишида М. Ражабов, Ж. Бўтаёров бошлиқ участка, Ш. Ражабов, А. Холбоев, Х. Назиров, Ж. Ҳожиев бошлиқ бригада аъзоларининг ҳиссаси каттадир, — дейди Н. Хўжанов. — Хўжалигимиз аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна минг тонна пахта тайёрлашга аҳд қилдилар. Демак, ҳосилдорлик 39 центнерга етказилади.

ПАХТА— КИССАДАГИ ПУЛ

«Ленин йўли» ноҳиясидаги Будённий номли давлат хўжалигидамиз. Бу ерда ҳам қувончли воқеанинг устидан чиқдик. Мавлон Ўтаганов етакчилик қилаётган участка аъзолари пахта тайёрлаш режасини адо этишибди. 321 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36,7 центнердан ҳосил олинди. Йиғим-теримда 9 та терим машинасининг ҳар биридан унумли фойдаланилди. Ўрол Ўроқов 200, Ўрол Эшматов, Худойшукр Сафаров сингари механизаторлар 150 тоннага етказиб пахта тердилар

— Мен 23 йилдан буён ўз агрегатимда пахта териб келаман, — дейди Ў. Ўроқов. Тўғри, ўтган йилги натижам билан мақтанолмайман. Нега дейсизми? Теримнинг авжи палласида моторнинг ишкали чиқса бўладими? Мана шу панд берди. Шунинг учун ҳам бу йил машинани мавсумга беками-кўст тайёрладим. Мавсумда 300 тонна пахта термоқчиман. Дастлаб кунига 15—20 тоннадан тердим, ҳозир пахта ҳам селгиб қолди. Барибир, ёмон бўлмаяпти. Ҳар куни 2—4 тонна пахта теряпман.

ЛЕНИН ЙЎЛИ НОҲИЯСИ. Қимматли лалн пахта етиштиришда ноҳия меҳнаткашларининг тажрибаси катта. Улар бу йил ҳам ана шундай хом ашё етиштириш режаларини вилоятда илғорлар сафида бажардилар. 30500 тонна ўрнига 35 минг тоннага яқин пахта териб олинди. Бунда Ленин номли ва Будённий номли давлат хўжаликлари пахтакорларининг ҳиссаси салмоқлидир.

Ноҳияда мавжуд 400 пахта терилтилмоқда ва ҳар бирида кунига 4—4,5 тонна пахта теришга эришилмоқда. Будённий номли давлат хўжалигининг У. Жумаев, А. Камолов, Ў. Ўроқов, Охунбобоев номли давлат хўжалигининг Э. Абдумўминов, Ленин номли давлат хўжалиги Р. Абдураҳмонов сингари механизаторларининг ҳар бири 140—190 тоннадан пахта тердилар.



Мисқоллардан тикланаётган хирмонлар.

Участканинг Суюн Ҳамзаев, Бўрон Худойқулов, Карим Ашуров, Алланазар Юсупов бошлиқ звено аъзолари ҳосилдорликни 40 центнерга етказдилар.

Алланазар ота ерга тўкилган пахталарни авайлаб оларкан:

— Пахта—киссамиздаги пул, — деди. — Унинг бирор мисқолини ҳам увол қилмаслигимиз керак.

Отанинг сўзлари ҳақ. Октябрь ойининг бошларида ҳавода булут айланиб қолди. Ёғин-сочинли дамлар бошланиши табиий. Етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда ғайрат-шижоат кўрсатишимиз керак. Ахир, давлат хўжалиги ҳам ноҳия ҳам маррага тобора яқинлашмоқда. Бу борада ҳар йилгидай Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жиянқул Рустамов етакчилик қилаётган участка маррага биринчи бўлиб келди. Улар етиштирилган барча ҳосилни саранжомлаб олиш учун курашмоқдалар.

Ноҳиянинг Ленин номли, Охунбобоев номли, «Истара» давлат хўжаликларида ҳам иш қизғин бораётир. Улар ноҳиянинг 50 минг тонналик хирмонини тезроқ тиклаш умидидалар.

Мирзакарим ПИРМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти соҳиби.

МУҲАРРИРИЯТДАН

Бу йил Сурхондарё вилояти пахтакорлари учун қутлуғ келди. Аввало, деҳқонлар энг юқори I ва II даражали тола берадиган ингичка толали, серҳосил пахта навларини экдилар. Ғўза парваришига алоҳида эътибор берилди.

Йиғим-терим арафасида матбуотда Сирдарё ва Жиззах вилоятлари партия ташкилотларининг йиғим-теримни ўтказишга доир тадбирлари эълон қилинган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқуланган бу тадбирлар вилоятнинг ҳар бир ноҳияси ва хўжаликларида ишлаб чиқилди. Етти хўжаликнинг ана шундай тадбирлари вилоят партия комитети томонидан қўллаб-қувватланди, механизаторлар анжумани бўлиб ўтди. Унда ҳосилнинг 240 минг тоннаси машиналар ёрдамида териб олишга аҳд қилинди.

Вилоят пахтакорлари ингичка толали пахта етиштириш борасида ҳам катта тажриба тўплаганлар. Бу йил 250 минг тонна ана шундай пахта нави етказиб бериш мажбуриятини олган эдилар. 9 октябрь куни улар маррага етганлиги, кўп ўтмай йиллик режани бажарганлиги ҳақида ғалаба рапортига имзо чекадилар.

Ҳа, деҳқоннинг пахтадан умиди катта. Энди у ўзи етиштирган ҳосилини арзон-гаровга бериб юборгиси йўқ. Ҳосилни ҳам, толани ҳам, чигитни ҳам қайта ишлашга, харидорни ўзи топиб, у билан савдолашиш ҳуқуқини қўлга киритаётир.

Шерободликлар тажрибаси буни яқол кўрсатиб турибди. Хўжаликлар шу усул билан ишлашга ўтса, иқтисодий мустақиллиги таъминланади, молиявий аҳволи янада яхшиланади. Миллион сўмлаб маблағ тежалиб, хўжалик даромадига айланади. Бундан, албатта, деҳқон манфаатдордир.

Шеробод ноҳияси мана шу усулда ишлаётганлиги туфайли тажриба ўрганиш масканига айланаётир. Ҳадемай қўшни ноҳиялар, вилоят мутахассислари, пахтакорлари Шеробод тажрибасини ўрганиш учун бу ерга келадилар. Шерободда бошланган бу хайрли ташаббус жумҳуриятимиз пахтакорларининг ҳақиқий иш мезонига айланишига ишонамиз.

КЕКСАЛАРГА ҚЎПРОҚ ҒАМХЎРЛИК

Урушда қатнашиб ва меҳнат қилиб кексайган минглаб кишилар ҳали ҳам корхоналарда, муассасаларда, колхоз ва совхозларда ишлаб туришибди. Байналмилалчи жангчилар, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ҳам эътиборсиз қолмаяптилар. Тошкентдаги «Ташсельмаш», «Узбексельмаш», 1-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасида пенсионерлар учун кўп иш қилинмоқда. Афсуски, фахрий отахонлар ва онахонларга ҳамма жойда ҳам муносиб меҳрибонлик қилиняпти, деб бўлмайди.

Жумҳурият уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг яқинда бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари мурожаатнома қабул қилиб, корхоналарнинг, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларини, меҳнат жамоалари кенгашларини, жамоат ташкилотларини уруш ва меҳнат фахрийлари талаб-эҳтиёжларига эътиборни кучайтиришга чақирдилар.

Пленум қатнашчилари бу даъватга меҳнат жамоалари муносиб жавоб берадилар, деб ишонч билдирдилар.

(ЎзТАГ).

Футбол:

Дадил қадам

Биринчи лига коллективлари мавсумни муваффақиятли якунлаб, ишқибозларни мамнун этишга зўр бермоқдалар. Навбатдаги 36-тур ўйинлари ҳам қизғин баҳсларга бой бўлди. Бу сафар олий лигага бериладиган уч йўлланмадан бирига астойдил даъвогарлик қилаётган «Пахтакор» футболчилари ишқибозларни яна бир бор қувонтирдилар. Тошкентдаги марказий ўйингоҳда ботбот олқишлар янгради. «Пахтакор» йирик ҳисобли ғалабага эришиб, эзгу мақсад йўлида дадил қадам ташлади. Футболчиларимиз мавқеларини мустаҳкамлаб, иккинчи ўринга кўтарилишди. Қолган ўринларда деярли ўзгариш бўлмади.

Футболчиларимиз Абовян шаҳрининг «Котайк» командасини қабул қилишди. Сирасини айтганда, майдон эгалари бу сафар ҳам бир тўп ўтказиб юборганларидан кейин ҳушёр тортиб, ўзларини ўнгладилар. 22-минутда А. Адамян ҳисобни очди. Лекин меҳмонларнинг қувончи узоққа бормади. Орадан 2 минут ўтгач Пятницкий — Қосимов — Огонесян — Ғалиев ҳамкорлиги муваффақиятли кечди. Р. Ғалиев ҳисобни тенглаштирди. Стадион узра олқишлар ҳайқириқларга уланиб кетди. 25-минутда А. Пятницкий ўзини кўрсатди. Орадан 3 минут ўтар ўтмас, Андрей командадошларини яна олдинга олиб чиқди. Бу сафар у Миклаев ва Шквирин ҳамкорлигида ҳисобни 3:1 га етказди. 38-минутда В. Клочковнинг зарби эсда қоларли бўлди. У олисдан дарвозани нишонга олиб, ҳисобни биттага кўпайтирди. Мухлислар команданинг моҳир тўпурари И. Шквирин ўз ҳисобини 31 тага етказармикан, деган фикрда эдилар. Шундай бўлди. Чапдаст тўпурар «Котайк» дарвозасини аниқ нишонга олиб, жами урган тўпларини 30 дан оширди. Командалар шу тариқа танаффусга чиқдилар.

Учрашувнинг иккинчи қисмида меҳмонлар ҳисобдаги фарқни бироз камайтиришга уринишди. А. Подоляк чаққонлик қилиб, жавоб тўпи киритди. Учрашув бошидан командадошларига кўмаклашиб, тўп уриш вазиятларини юзага келтиришга ҳаракат қилган Х. Огонесян ҳам кўпчиликни мамнун этди. У учрашув тугашига саноқли дақиқалар қолганда ҳисобни 6:2 га етказиб, ўйинга нуқта қўйди. Шундай қилиб, пахтакорчилар ўз майдонларида ўтказилган кетма-кет тўртта ўйинда уч марта ғалаба қилишди ва бир ўйинда дурранг билан мавқеларини янада мустаҳкамладилар. Энди мухлислар кўнглида бир армон. Улар олий лигага олтин медаль билан чиқишга нима етсин, дейишмоқда. Ўйлаймизки пахтакорчиларда бундай муаммоларни ҳал этиш учун имконият етарли.

Ўйинлар жадвалининг кўриниши

	Ю	Д	М	Т	О
Спартак	19	9	5	61-25	47
Пахтакор	19	8	6	67-40	46
Металлург	17	12	4	51-25	46
Шинник	16	7	10	45-36	39
Динамо Ст	16	6	11	45-34	38
Локомотив М.	14	9	9	37-29	37
Нистру	12	11	10	39-36	35
Нефтчи	12	9	12	47-41	33
Динамо Сх.	12	8	11	24-29	32
Факел	11	9	13	34-40	31
Геолог	11	9	13	31-36	31
Таврия	8	15	10	30-34	31
Ростсельмаш	10	9	14	33-45	29
Локомотив	9	11	13	34-45	29
Тирас	8	13	12	24-40	29
Қайрат	9	10	14	32-43	28
Зенит	8	12	13	34-36	28
Котайк	9	9	15	35-35	27
Кубань	10	6	17	28-46	26
Кузбасс	4	6	22	21-47	14

Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди. «Таврия» — «Металлург» — 2:2, «Тирас» — «Нистру» — 1:1, «Кубань» — «Нефтчи» — 4:1, «Динамо» (Сх) — «Зенит» — 0:0, «Қайрат» — «Спартак» — 0:3, «Локомотив» (М) — «Ростсельмаш» — 2:1, «Кузбасс» — «Динамо» (Ст) — 0:1, «Геолог» — «Факел» — 0:1, «Шинник» — «Локомотив» (Н) — 1:0. Пахтакорчилар икки учрашувни сафарда ўтказадилар. Чунончи, 14 октябрда Ставрополь динамочилари, 17 октябрда «Ростсельмаш» футболчиларининг меҳмони бўлишади.

Х. НОСИРОВ.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

№ 230. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12